



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI BOSH
PROKURATURASINING
NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2010-yil 8-dekabr, №49 (726)

Конституция инсон ҳуқуқлари кафолатидир

Фарзандлар тарбиясига масъулият билан ёндашиш, уларни касб-хунари, билимдон, соғлом тарзда вояга етказиш азалий, ўзбекона қадриятларимиз сирасига киради. Зеро, таълим-тарбия бу миллий руҳ синдирилган ва асрлар давомида шаклланиб ривожланидиган тизимдир. Шу нуктаи назардан келиб чиқадиган бўлса, мустақиллик йилларида баркамол авлод тарбияси, вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди ҳамда ислохотлар жараёнида у янада такомиллашиб бормоқда. Соҳадаги қонунчилик асоси эса, албатта, Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топган. Зотан, Конституциямизнинг асосий моҳиятларидан бири жамият ва унинг аъзолари олдига мақсад қўйиши ва ана шу эзгу мақсадга эришиш йўлларини ўзида муҳассас этишда ифодаланган. Конституциямиз ўзида инсон-оила-жамият-давлат манфаатларини уйғунлаштиргани сабабли ҳаётимизнинг барча соҳаларида олиб борилаётган ислохотларнинг самарали, муваффақиятли бўлишини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайди. Жумладан, Конституциянинг 45-моддасида вояга етмаганлар ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги белгиланган. Ушбу модданинг мазмун-моҳияти ҳақида гап борар экан, давлат ёш авлодни баркамол қилиб вояга етказишдек масъулияти вазифани ўз зиммасига олгани масаланинг нечоғли муҳимлигини далолат беришини таъкидлаш жоиз. Конституциянинг 64-моддасида эса ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбур эканлиги, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-она васийлигидан маҳрум болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга йўналтирилган хайрия фаолиятини рағбатлантириш белгилаб қўйилган. Юқорида айтиб ўтилганидек, таълим-тарбияда миллий анъаналар, урф-одатлар ҳам ўзига ҳос ўрин тутди. Демак, ўзбекона туриш-турмушимиз ҳам фарзандларимиз камолати билан чамбарчас боғлиқ.

Оилаларимиздаги муҳит, ота-онанинг бола тарбиясида тутган ўрни ёш авлодни вояга етказишда муҳим ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, Конституциямизда оилага тааллуқли масалаларга алоҳида бир боб бағишланган. Ушбу 4 та моддадан иборат 14-бобнинг бутун мазмунини айтиш мумкинки, бевосита ёки билвосита вояга етмаган ёшларга алоқадор. Масалан, 63-моддада "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади" дейилган. Албатта, фарзанд оилада камол топар экан, бу билимнинг Конституцион ҳимояда бўлишига бутун жамият тараққиётига изчил хизмат қилади. Иккинчи жиҳатдан қадим-қадимдан ўзбекона оилаларда фарзанд тарбиясига масъулият билан ёндашилгани ва ушбу анъаналарнинг боқийлигини таъминлашда 63-модданинг аҳамияти бекиёсдир. Баркамол авлод тарбияси давлат ва жамият даражасидаги вазифа саналишини ҳисобга олсак, Асосий Қонунимизнинг ақсарият боб ва моддалари ушбу масалаларга ўзвий боғлиқ эканлигини кўриш мумкин.

Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни жамлаган IX боб ҳам шулар жумласидан. Ушбу бобдаги 37-моддада эркин касб танлаш, 41-моддада эса бепул билим олиш ва умумий таълим олиш ҳамда мактаб ишлари тўғрисидаги ҳуқуқлар ифодаланган-ки, улар, албатта, ёшлар ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди.

Мустақиллик йилларида мазкур йўналишдаги қонунчилик асослар мустаҳкамланиб борилапти. Конституциямизнинг биргина ушбу 41-моддаси талабларига мос равишда "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури каби ўнлаб қонун ва қонуности ҳужжатлар қабул қилиниб ҳаётга татбиқ этилди. Шу асосда таълим сифатини ошириш ёш авлод маънавиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, вояга етмаганлар соғлиғини сақлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган вояга етмаганларни моддий ва маънавий қўллаб ва қувватлаш, улар ўртада ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, баркамол авлод тарбияси йўлида мақбул шарт-шароитни яратиш, бор куч ва имкониятларни шу мақсад йўлида сафарбар этиш борасида республикамизда улкан ишлар амалга оширилди.

(Давоми 4-бетда)

Кенгайтирилган ҳайъат мажлиси

У.НИГМАДЖАНОВ,

Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокурор Р.Х.Қодилов раислигида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Йигилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»дан келиб чиқадиган прокуратура органларининг вазифалари ҳақидаги масала қуриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг дастурий маърузасида мустақил ривожланишининг қисқа даврида мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, социал, иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларида юз берган ўзгаришлар ҳамда эришилган натижалар чуқур таҳлил қилинганлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, мамлакатимиз Президенти, амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, юртимизни ислох этиш ва модернизация қилиш йўлида изчил ҳаракатларимизни янада кучайтиришимиз зарурлигини таъкидлади ва демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишларини белгилаб берди.

Вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларга, Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари бошлиқларига жойларда юртбошимиз маърузасининг мазмун-моҳиятини тушунириш, прокуратура органларининг фаолиятини тегишли йўналишларда кучайтириш борасида қатор вазифалар юклатилди.

Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар, Президент қарорлари ва фармонлари, ҳукумат қарорларининг аниқ ва сўзсиз бажарилиши устидан назоратни кучайтириш устувор вазифалар сифатида белгиланди.

Навбатдаги ялпи мажлис

Ўтган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг тақлиф этилган аъзолари, вазирликлар ва илораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар дастлаб 2010 йил 12 ноябрдаги Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузаси ҳамда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини кучайтириш борасидаги 2010 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган вазифалар тўғрисидаги масалани қуриб чиқишдан бошладилар.

Ўз чиқишларида сенаторлар Президентимиз томонидан ишлар бажариш концепциянинг қоидалари ва хулосаларини тўла-тўқис маъқуллашди. Шунингдек, концепциянинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш кераклиги алоҳида таъкидланди.

Сенаторлар Президентимиз маърузасининг асосий қоидалари ва хулосаларини амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурини маъқулладилар. Муҳокамадан сўнг ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан кейин кун тартибидagi Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджетни тўғрисидаги масала қўрилди. Ҳар томонлама муҳокамадан кейин сенаторлар мазкур масала юзасидан Сенатнинг Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил Давлат бюджетини маъқуллаш ҳақида қарорини қабул қилдилар.

Икки кун давом этган ялпи мажлисда сенаторлар «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2011 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақида»

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун ижроси устидан назоратни таъминлаш, маҳаллада аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Шу каби, фуқароларнинг соғлиғини сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлашга оид қонунлар ижроси устидан назорат тадбирларини ўтказиш бўйича қўшимча талаблар қўйилди.

Дастлабки терговни олиб боришда қонунийликни таъминлаш ва қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида судга асоссиз илтимоснома киритилишига йўл қўймаслик, бундай қорани танлашда қонунда белгиланган барча талаб ва шартларга сўзсиз риоя этиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Умуман, ҳайъат қарори билан прокуратура органларининг ходимлари олдига аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада оширишга қаратилган тадбирларда, шунингдек, жамият ҳаётининг барча жаҳбаларида амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этиш борасида аниқ вазифалар қўйилди.

Шу билан бирга, ҳайъатда Андижон вилояти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорларининг сўнгги икки ярим йил мобайнида қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш борасидаги фаолиятини комплекс ўрганиш натижалари муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Олий Мажлиси Сенатида

Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Huquq»

ги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ризлаторлик фаолияти тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222-П-сонли қарорининг 1-иловасига қўшимча киритиш ҳақида»ги, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Дафн этиш ва дафн этиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги, «Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция (Париж, 2005 йил 19 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги каби 14 та қонун қўриб чиқилди.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди.

Обуна — 2011

Ҳурматли юртдошлар!

2011 йилда ҳам
«HUQUQ» газетаси Сизнинг
энг яқин ҳамкорингиз
бўлиб қолади.

Газетамизга барча
почта бўлимларида
обуна бўлишингиз мумкин.
ОБУНА БЎЛИШГА КЕЧ ҚОЛМАН!



НАШР ИНДЕКСИ — 231

Сарҳадларимиз мустаҳкам бўлсин!

Илбс ЗОИРОВ,
Самарқанд ҳарбий прокурори, адлия подполковниги,
Дўстбек СУЛАЙМОНОВ, журналист

Чегарачиларимизнинг матонатли хизмати туфайли Ватанимиз тинч ва фаровон, халқимиз хотиржам ҳаёт кечирмоқда. Бундай осуда кунларимизнинг, уни қўриқлаётган ҳарбийларимиз хизматининг қадрига етмоғимиз лозим. Яқинда Ургут туманидаги "Жаргана агроасаноат ва сервис" коллежиди Самарқанд ҳарбий прокуратурасининг ташаббуси билан "Чегараолди ҳудудиди хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва аҳоли ўртасиди ҳамкорлиқни кучайтириш" мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Унда Самарқанд ҳарбий суди, Ургут туман ички ишлар бўлими, чегарачилар, туман "Камолот" ЕИХ, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари ва маҳалла фаоллари, ўқувчи-ўқувчилар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар чегара дахлсизлиги, унинг аҳамияти, аҳолига ҳуқуқий тушуна бериш, ҳудуднинг тинчлигини сақлаш ҳамда постлардан ўтиш тартиблари ҳақида гапириб бердилар.

Кўшма мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусида маъруза қилганидан хабарингиз бор, — дея гап бошлади Самарқанд ҳарбий суди судьяси С.Алишоев 12 ноябрь кунги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисида қўрилган масалалар юзасидан чиқш қилар экан, — Президентимиз давлат аҳамиятига молик муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламентни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини, сайлов

қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётини либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббусларини илгари сурди. Бу маърузадан биз ўзимизга ҳулоса чиқаришимиз лозим бўлади.

Чегара юртимизнинг энг муҳим ва эътиборталаб ҳудудидир, — дея ўз фикрларини баён қилди чегара ҳарбий қисми офицери, капитан Рамазон Маматмуродов. — Биз авваламбор, халқимизга чегара ва у ердаги тартиб-қоидалар ҳақида етарли тушуна беришимиз лозим. Чегараолди режимига ҳар бир фуқаро бўйсунуши шарт. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган чегараолди зонасига кириш, ундан ўтиш, у ерда бўлиш, ҳаракатланиш ҳамда ишлар бажариш тартибини белгилловчи қоидалар мавжуд.

Ургут туман ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Абдуғаффор Раҳмонов бўлса, шахсларнинг чегараолди зонасига кириши ва чегараолди минтақасидан чиқиши агар қонун ҳужжатларида белгиланган бўлмаса, ички ишлар органларининг рухсатномаси ва чегара қўшинларининг рухсатномаси асосида амалга оширилиши, бу ҳудудда ўзбошимчлик билан иш юритиш эса жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақида тушунтириш берди.

Тадбир давомида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга масъул шахслар томонидан батафсил жавоб берилди. Бир сўз билан айтганда, бундай тадбирларнинг ўтказиш турилиши тинч-осуда ўтаётган ҳар бир кунимизнинг қадрига етишимизга қўлдош бўлмоқда. Шу билан бирга, юртимиз посбонларининг хизмати, меҳнати қадрлашимиз, шунингдек, ўз бурчи ва мажбуриятларимизни ҳам унутмаслигимиз лозим. Зеро, Ватанимизнинг ҳар зарра тупроғи олтинга тенгдир.

Мурожаат эътиборсиз қолмасин

А йни кунларда юртимизда Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг навбатдаги санаси муносиби нишонланиши билан бирга, фаровон турмуш, порлоқ келажак кафолати бўлган бош қонунимиз кўнгил билан ўрганилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида "Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органлари, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, тақлифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва мuddатларда қўриб қилиниши шарт" дея белгилаб қўйилган. Ушбу норма фуқароларнинг тегишли органларига мурожаат қилиш қоидаларини ифодалайди. Ҳар бир фуқаро ўзини қизиқтирган ёки ўзи манфаатдор бўлган масалаларда ваколатли органга ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

Ариза фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси ҳисобланади. Тақлиф эса, фуқароларнинг давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларидан иборат бўлади. Фуқароларнинг бўзилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби шикоят тарзида ифода этилади.

Ушбу конституциявий норма ҳамда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг ижросини таъминлаш борасида Хоразм вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳам бирмунча ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Хива тумани "Ал Хоразмий" фермерлар уюшмаси 6-бўлимида яшовчи фуқаро Р.Отаевнинг давлат томонидан фуқароларга тарқатилаётган ун ва ўсимлик ёғи маҳсулотларининг вақтида берилмаётганидан норози бўлиб ёзган аризаси туман ҳокимлиги орқали ўрганилган. Ўрганишда "Чинобод" маҳалла фуқаролар йиғини масъул ҳодимлари томонидан камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланган бўлса-да, туман ҳокимлиги томонидан ушбу ҳолатга муносабат билдирилмай, кам-

чиликка йўл қўйган масъул ҳодимнинг жавобгарлик масаласи хал қилинмаган.

Қонуннинг 21-моддаси 2-қисмида ариза ёки шикоят юзасидан қарор қабул қилган давлат органининг мансабдор шахси, агар фуқаро қарорга рози бўлмаса, унга қабул қилинган қарор устидан шикоят бериш тартибини тушунтириш шартлиги белгиланган. Ариза муаллифига текшириш натижалари бўйича юборилган жавоб хатида бу юзасидан тушунтириш берилмаган.

Бу каби қонунбузилиш ҳолати Қўшқўбир туманида ҳам содир қилинган. Туманининг Ғозовот қишлоғида яшовчи Ж.Қўлимуратовнинг фермер хўжалиги ташкил қилишда ёрдам беришни сўраб туман ҳокимлигига ёзган ариза 79 кун мобайнида ўрганилмай, ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу каби қонунбузилиш ҳолатларига фуқаролар Б.Авезов, Т.Бобожонов, К.Нурметовларнинг аризалари қўриб қилинишида ҳам йўл қўйилганлиги аниқланиб, текшириш натижасига қўра туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Палванов ва ўринбосари У.Ибрагимовларга нисбатан МЖТКнинг 43-моддаси билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди. Аниқланган қонунбузилиш, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият ярати бераётган шарт-шароитларни бартараф қилиш ҳақида туман ҳокими номига тақдимнома киритилди.

Текширишларда маълум бўлишича, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг вилоят ҳудудий бошқармаси фаолияти ҳам камчиликлардан холи эмас экан.

Бошқарма бўлим бошлиғи И.Отажонов томонидан фуқаро Д.Қўлимуратовнинг вилоятда ишлаб чиқарилаётган қолпиқнинг сифати бўлиб, истеъмолчиларга етказилаётганлиги ҳақидаги аризаси юзасидан ўтказилган текширишда сифатсиз нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётганлиги, сертификатсиз "ачитқич" ва ош тузи ишлатилаётганлиги ҳақидаги ҳолатлар ДСЭНМ органларининг назорат функцияла-

Райхон ЮСУПОВА,
Хоразм вилоят прокуратурининг
катта ёрдамчиси
Ойбек ЖУМАНИЁЗОВ, "Hurod"

рига тааллуқли бўлса-да, маъкур қонунбузилиш ҳолатлари текширилмаган. Ушбу фаолият билан шуғулланувчи айрим хўжалик субъектлари томонидан бошқармага нотўғри маълумот берилганлиги учун уларга жарима солиниш билан чекланилган.

Бундан ташқари, айрим ариза ва шикоятлар юзасидан ўтказилган текширишлар давомида аниқланган қонунбузилишлар бўйича тўпаланган ҳужжатлар ваколатли давлат идораларига қонуний чора қўриш учун юборилмаган. Масалан, Р.Болтаевнинг "Махсуд-Махмуд-Мурод" хусусий корхонасига қарашли автомобилларга ёқилги қўйиш шохобчасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилаётганлиги ҳақида ёзган аризасини ўрганиш давомида "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун талабларидан ташқари МЖТК талаблари ҳам аниқланган. Аммо бошқарма томонидан ушбу материал қонуний қарор қабул қилиш учун Давлат солиқ инспекциясига юборилмаган.

Вилоятда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг ижроси бўйича ўтказилган текширишлар натижаларига қўра, 23 та тақдимнома киритилди. Қонунга зид равишда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш ҳақида 1 та протест келтирилди. Келгусида қонунбузилишга йўл қўймайлик хусусида 9 нафар мансабдор шахс ёзма равишда огоҳлантирилди, 26 нафарига интизомий ва 10 нафарига нисбатан эса маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилди.

Бир сўз билан айтганда, вилоятда фуқароларнинг мурожаат қилиш борасидаги конституциявий ҳуқуқни таъминлаш, ушбу ҳуқуқий нормани амалга оширишда қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича белгиланган режа асосидаги тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Қонунни четлаб бўлмайди

Нафс балоси шундай иллатки, унинг домига илинган кишининг кўзи тўймай, манфаат йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган даражага етади. Сохта ҳужжатлар тузиш, қонунни четлаб ўтиш, ҳуллас гаразли мақсадларни амалга ошириш бундайларнинг ақидасига айланади.

Хатирчи туман ижтимоий таъминот бўлимининг пенсия ва нафақалар тўлашга маблағлар эҳтиёжини аниқлаш гуруҳи раҳбари лавозимида 2002 йил 9 сентябрдан 2009 йил 10 сентябргача ишлаб келган Зайниддин Жиянов ана шундай нафс домига илинганлардан бири экан. У жиноий шериклари билан ўз манфаатларини йўлида турли сохтагагарчиликларни амалга ошириб, давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказган.

З.Жиянов аввало, туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи бўлиши Х.Норованинг мансабига совуққонлик билан қараганлигидан ҳамда туман ижтимоий таъминот бўлимида пенсия ва нафақалар тўлашга маблағлар эҳтиёжини аниқлаш гуруҳи инспектори

Зокир БАРНОЕВ,
Новоий вилоят прокуратураси бўлим
катта терговчиси

З.Журакулованинг иш фаолияти юзасидан ўзига бўйсунганлигидан фойдаланган. Тумандаги бир қатор корхона ва ташкилотларнинг ҳисобчи ва менежерлари билан тил бириктириб, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан ижтимоий сугурта бўйича тайинланадиган ҳомиладорлик ва туғиш ҳамда бола туғилганлиги учун бериладиган нафақа пулларини оlib, уюшган гуруҳ аъзолари томонидан тақдим қилиб келинган сохта талабнома ва реестр ҳужжатларини қабул қилган. Талабномада кўрсатилган суммалар ортқича пулларни ўтказиб, ғайриқонуний пул маблағларини молиялаштириш орқали ўзининг гаразли ниятларини амалга оширган.

Масалан, тумандаги 62-сонли умумтаълим мактабининг бош ҳисобчиси лавозимида Р.Ҳамдамова ишлаб келаётганлигини билса-да, унинг турмуш ўртоғи Бахтиёр Ҳамдамов билан

бирга ушбу мактаб номидан расмийлаштирилган бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағларидан ижтимоий сугурта бўйича тайинланадиган ҳомиладорлик ва туғиш ҳамда бола туғилганлиги учун бериладиган нафақаларни олиш учун тақдим этилган сохта ҳужжатларни қабул қилиб, талабномада кўрсатилган пулларни молиялаштиришга эришди.

Шунингдек, Б.Ҳамдамов билан келишган ҳолда 2007-2008 йилда мактабда мутлақо ишламаган шахслар номига ҳужжатларни расмийлаштириш билан шуғулланади. Натижада 18 млн. 260 минг сумлик пул маблағлари ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинади. З.Жиянов тумандаги 43-сонли умумтаълим мактаби номидан ҳужжатлар тайёрлаб, мактабда ишламаган шахслар номига ҳужжатлар расмийлаштириб, 8 млн. 514 минг сумлик пул маблағини ҳам ўзлаштириди.

Бундан ташқари, тумандаги 37-сонли умумтаълим мактабининг бош ҳисобчиси Алишер Асабев билан биргаликда бюджет маблағларини йилни қилиб ўзлаштирган ҳам, А.Навоий номли қишлоқ врачлик пункти менеждери О.Ерқулов (у айна пайтда ҳўжалик ҳисобидидаги дезинфекция станцияси бош ҳисобчиси лавозимида ишлаган) билан "ҳамкорлик" қилган ҳам айнан З.Жиянов ҳисобланади. У О.Ерқулов ишлаган ҳар иккала таш-

килотда ҳам юқоридаги каби ғайриқонуний ишларни биргаликда амалга оширган.

Афсуски, З.Жияновнинг жиноий фаолияти шу билан тўхтаб қолмади. У тумандаги 4-сон болалар ва ўсирлар спорт мактаби бош ҳисобчиси Б.Турдиев, Ш.Рашидов номли қишлоқ врачлик пункти менеждери В.Рашидов, 36-сонли умумтаълим мактаби бош ҳисобчиси И.Худойбердиев билан ҳам юқоридаги каби жиноятларни содир этди.

Албатта, суд жараёнида айбланувчиларнинг айбларига тўлиқ иқроорликлари, етказилган зарарни тергов давомида ихтиёрий равишда тўлиқ қоплаганликлари (А.Асабев, В.Рашидовлардан ташқари) ва уларнинг айбини енгиллаштирувчи бошқа ҳолатлар ҳам инобатга олинди.

З.Жияновга нисбатан узил-кесил олийк иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромадига ўшлаб қолган ҳолда 3 йил мuddатга ахлоқ тузатиш ишлари, қўшимча 3 йил мuddатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Б.Ҳамдамов, О.Пирматов, Б.Турдиев, И.Худойбердиев ва Р.Жумаевларга ҳам шу каби жазо чоралари қўлланилди. Судланувчилар А.Асабевга 6 йил, В.Рашидовга эса 7 йил мuddатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.



ИФТИХОР

Мустақил демократик тараққиёт ва фаровон ҳаёт қомуси

Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жамият ва давлат ҳаётида ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашнинг муҳим пойдеворидир. Бахтимиз Қомуси, энг аввало, миллий ўзликни аниқлаш, ҳур ва озо Ватанини барпо этишнинг ҳуқуқий асосини яратди. Миллий демократик тараққиёт бардавонлигини таъминлашга қаратилган барча ислохотларнинг негизини Конституциямиз белгилаб берди. У жамият ва давлат фаровонлигини таъминлашда олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат вазифасини бажарётганлиги барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларда яққол намоён бўлмоқда.

Юртбошимиз 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, "Мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислохотлар дастурига маълум ўзгаришлар кири-

тиш билан бирга, биринчи навбатда эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислох этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни қучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор. Шу маънода, 1992 йил декабрь ойида қабул қилинган, мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг қоида ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этади".

Барча соҳаларда эришилган ютуқларнинг замирида Конституциямизда қафолатланган ҳуқуқлар, ғоялар, принциплар мужассам эканлиги аён. Тараққиётнинг ўзбек модели ўзининг маъно-мазмунини билан инсон манфаатларини ҳимоя қилиш ва фаровон ҳаётни таъминлаш учун хизмат қилмоқда.

Конституция нормаларини ижтимоий ҳаётда қарор топтириш Конституция ва қонунларнинг устунилиги таъминлашга бевосита алоқадордир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунилиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бirlашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш қўрадилар. Конституциявий нормаларнинг аҳамиятли жиҳати

яна шунда намоён бўладики, унинг нормаси тўғридан-тўғри амал қилади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16-моддасига мувофиқ, мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас.

Конституция ва қонунларнинг устунилиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти тушунчалари бир-бири билан ўзвий боғлиқ. Яъни "бир медалнинг икки томони" десак, муболага бўлмайди. Чунки, қонун ҳужжатини яратмасдан туриб ҳуқуқни қўллаш фаолиятини тасаввур этиб бўлмайди. Ёки аксинча ҳуқуқни қўллаш учун қонун ҳужжати мавжуд бўлиши оддий ҳақиқатдир. Ҳуқуқни қўллаш фаолияти қонунни амалиётда татбиқ этувчи субъектлар ҳужжати асосида амалга оширилади.

Конституция нафақат ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг устувор қонун ҳужжати, балки тизимлаштирилган нормаларни ижро қилишнинг мукамал қомусий асоси ҳамдир. Ўз навбатида, ҳуқуқни қўлловчи субъектлар томонидан конституциявий нормаларнинг ижроси таъминланиши жамиятда қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий шартидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси миллий тараққиёт йўлини белгилловчи халқчил Қомус сифатида халқ ҳокимиятичилигининг негизларини белгилаб берди. Айниқса, унда давлат ҳокимиятининг тизими белгиланганлиги нафақат халқро ҳуқуқнинг умум — эътироф этилган норма ва қоидаларига мос келибгина қолмай, балки ўзбек давлатчилиги ривожининг аъёналарига ҳамда миллий ҳуқуқий қадриятларимизга айнан мос келади.

Энг муҳими, сиёсий ва иқтисодий соҳадаги ислохотлар ҳам демократик умуминсоний принципларга асосланганлиги боис жамият ва давлат ҳаётида фуқаролар ижтимоий фаолигини оширишга ёрдам бермоқда. Бошқача қилиб айтганда, инсон манфаатларини уғулланаётган ва қадрланаётган Ватанимизда давлат ва жамият ишларини бошқаришда сиёсий ва иқтисодий фаоллик кўрсатишнинг конституциявий қафолатлари яратилганлиги ҳал қилувчи ўрин тутмоқда.

Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида Конституцияда қафолатланганлиги сабабли фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини амалда рўйбга чиқаришга зарур шарт-шароитларни яратди.

Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ,
юрдик фанлари доктори,
профессор

Эътиборли жиҳати шундаки, Конституциямиз нафақат демократик ҳуқуқ ва эркинликларни мустаҳкамлашга амалга ошириш, балки уни ҳимоя қилишни ҳам қафолатлайди.

Дарҳақиқат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг пировард максиди инсон ва жамият фаровонлигини оширишдир. Конституция ижтимоий ҳаётда адолат ва қонунийлик принципларининг тантанасини таъминлашда устувор қонун ҳужжати вазифасини бажармоқда.

Конституциямиз иқтисодий соҳада ҳам катта имкониятларни қўлга киритишнинг ҳуқуқий асосини яратди. Бу энг аввало, жамият иқтисодий негизларининг конституциявий қафолатлари билан чамбарчас боғлиқ. Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодиётнинг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши назарда тутилганлиги, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари яратилганлиги мулкдор бўлиш ҳуқуқини амалга оширишга ҳар томонлама шароит ва қулайликлар тугдирди.

[Давоми 4-бетда]

9 декабрь - "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган кун

Улкан масъулият

...Прокурорлик фаолиятига улар томонидан қўзғатилган жиноят ишлари ёки жавобгарликка тортилган фуқаролар сонига қараб эмас, балки тегишли ҳудудда қонунчиликка амал қилинишининг ҳолатига қараб баҳо бериллади.

Ислом КАРИМОВ

Аввал бошда ижрони кузатиш, назорат қилиш механизми бўлмаганлиги сабабли энг мукамал қонунлар ҳам амалга ошмай қолаверган. Натижада қадимий Римда прокурорлик лавозимни ҳаётий эҳтиёж сифатида пайдо бўлган. Буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш йўлида жуда катта миқёсдаги ишларни амалга оширганлиги сабабли ҳам марказлашган, қудратли давлатга асос солди. У қонун ижросини шу қадар қаттиқ назорат қилардики, оқибатда бирорта ҳам жиноят жазосиз қолмасди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Унинг 118-моддасида "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадирлар", дейилган. Президентимизнинг савб-ҳаракати, шахсий ташаббуси ва юқорида қайд этилган конституциявий нормалар асосида 1992 йилнинг 9 декабрда Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

Мамлакатимизда юз бераётган жиддий ислохотлар прокуратура органларининг ҳам ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш, мақсад ва вазифаларини қайта қўриб чиқиш ҳамда ҳуқуқни ҳимоялаш ваколатларини қучайтиришни тақозо этгани боис, 2001 йилнинг 29 августи-

Яхшибой ОЧИЛОВ,
Қашқадарё вилоят прокурорининг
биринчи ўринбосари
Норбўта ҲОЗИЕВ, "Huquq"

да "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Янги таҳрирдаги "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунда прокуратура органларининг фаолият юритиш тартиби, ваколатлари ҳамда вазифалари ҳозирги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда белгилаб берилган. Унда прокурорларнинг асосий вазифаларидан бири - фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш эканлиги белгилаб қўйилди.

Прокуратуранинг ҳимоя ваколатларини қучайтирувчи энг муҳим ўзгаришлар шундан иборатки, вазирликлар, корхона ва ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг тўлиқ таъминланиши мазкур қонунга асосан прокурор назорати остига олинган бўлди.

Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларига солиқ интизомини мустаҳкамлаш, солиқ соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, шунингдек, давлатга етказилган иқтисодий зарарнинг ўрнини қоплашга қаратилган қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш ҳам киритилди. Шу мақсадда прокуратура таркибига солиқ ва валюта оид жиноятларга, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти ташкил этилди. Бу тизим олдида солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни бюджетга тўлашдан бош тортиш ҳолатларини аниқлаш, солиқ, валютага оид жиноятлар ва қонунбузилишларнинг олдини олиш, солиққа тортиладиган базани кенгайтириш ҳамда давлатга етказилган мод-

дий зарарни ундириш чораларини қўриш вазифаси юклатилди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган "Қучли давлатдан қучли фуқаролик жамияти сари" концепциясидан келиб чиққан ҳолда киритилган жиддий ўзгаришлар ҳам қонундан ўрин олган. Шунингдек, бундай ўзгаришларнинг фуқароларнинг қонунларга риоя этишлари устидан назорат ҳақидаги норманинг қонундан чиқарилганда ҳам қўриш мумкин. Бу билан прокурорлар фуқаролар устидан назорат олиб бормасликлари, балки уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишларига ург берилди. Қолаверса, ушбу қонун "Судлар тўғрисида"ги Қонунга ҳам мувофиқлаштирилди. Унга қўра, фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстанция судларига ишлар қўрилатганида қонунда белгиланган тартибда прокурорлар иштирок этадиган бўлиши. Янги таҳрирдаги қонунда "Ўзбекистон Республикаси прокуратураси" ўрнига "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси" деган атама жорий қилинди. Бу билан Бош прокуратуранинг прокуратура тизимига раҳбарлик қилиши ифода этилди. Бундан ташқари, прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш функциялари қучайтирилди. Шу мақсадда қонунга махсус боб киритилиб, унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бевосита ҳимоя қилиш ҳамда бу борадаги қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш ваколатлари ўз ифодасини топган. Таъкидлаш жоизки, прокурорнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш функциялари, шу жумладан, судга даъво аризаси тақдим этиш ваколати, авваломбор, алоҳида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар, яъни вояга етмаганлар, қариялар, беморлар, ногиронлар ва бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Қонуннинг 5-моддасида прокуратура органларининг ташкилий, яъни бирлик ва марказлашганлик принциплари ўз ифодасини топди. Бу принципларнинг қонуний кучга эга эканлиги прокуратуранинг ички тизимини мустаҳ-

камлашга, ҳар бир прокурор мустақил процессуал шахс бўлса-да, бутун тизим ва унга раҳбарлик қилаётган Бош прокурор номидан фаолият кўрсатаётгани масъулият тўғрисида янада қучайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича прокуратура ваколатларининг ҳуқуқий асослари ва унинг механизми илк бор қонунда аниқ ёритиб берилди. Прокурор фаолиятини тўғри ташкил этишда Бош прокурорнинг буйруқлари муҳим роль ўйнайди. Бу буйруқлардаги кўрсатмалар, талаблар ва йўналишлар прокурор фаолиятини фақат қонун талабларига асосланган ҳолда ва қонун билан белгиланган ваколатлар доирасида амалга оширилишини таъминлайди. Қонуннинг 14-моддасида Бош прокурорнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобот бериш механизми баён этилган. Давлат раҳбарининг олдида бу тартибда ҳисобот берилиши - прокуратура органларига катта масъулият юклайди.

Хулоса қилиб айтганда, янги таҳрирдаги қонун прокурорларнинг ўз вазифаларига муносабатини тубдан ўзгариштиришга, уларнинг масъулиятини оширишга ва фаолиятини баҳоловчи аниқ мезонларни белгилашга қаратилган нормалар билан бойитилган. Қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш аҳоли прокурорнинг фаолиятига баҳо беришда асосий мезон ҳисобланади.

Қонун юқорида баён этилган ва бошқа бир қатор янгилар ҳамда ўзгаришлар билан такомиллаштирилиб, замон талабига мослаштирилди. Бу ўзгаришлардан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишининг конституциявий қафолатлари янада қучаяди. Ҳўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, тадбиркорларнинг ҳимоясини қучайтириш орқали уларнинг эркин фаолият олиб боришлари учун шарт-шароитлар яратилади.

"Прокуратура тўғрисида"ги янги таҳрирдаги Қонун ана шундай халқчиллик руҳи билан суғорилган. У прокуратура ходимларининг кўп қиррали ва кенг қўлмали фаолиятларига муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.



(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Масаланинг долзарблиги, муҳимлигини таъкидлаш маъносида қуйидаги маълумотларни келтириб ўтиш жоиз. Хозирда мамлакатимиз аҳолисининг 40 фоизи, Сурхондарё вилоятида аҳолининг 46 фоизини вояга етмаганлар, яъни 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ташкил этади. Демак, зимдаги вазифаларнинг қамрови кенг, масъулияти ҳам шунга яраша.

Вояга етмаганларга доир муҳим қонун ҳужжатларидан яна бири 2008 йил январда қабул қилинган "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонундир. Бу ҳужжат ўсиб кела-

Конституция инсон ҳуқуқлари кафолатидир

ётган авлодга нисбатан ғамхўрликни янада мустаҳкамлашга замин яратди.

Шу сабабли, вилоят прокуратураси органлари томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир қонунлар ижроси юзасидан 2010 йилнинг ўтган 10 ойи давомида 232 та назорат тадбирлари амалга оширилиб, натижасига кўра 2264 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. 550 нафар вояга етмаганларнинг қонуний ҳуқуқлари тикланди.

Вояга етмаганларга тааллуқли долзарб масала - улар ўртасидаги назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доир фаолиятни тартибга солуви яна бир алоҳида ҳуқуқий ҳужжати қабул қилиш зарурияти мавжудлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик

ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ишлаб чиқилиб, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритилди. Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 10 августда қабул қилиниб, жорий йилнинг 28-29 август кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги учинчи ялпи мажлисида маъқулланди ҳамда 2010 йил 30 сентябрда матбуотда эълон қилиниб, қўлга кирди.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурига асосан болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасидаги тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида қабул қилинган мазкур қонунни амалга татбиқ этиш юзасидан жойларда мутасадди идоралар ва ташкилотлар иштирокида кенг жамоатчилишни жалб қилган ҳолда қонун талабларидан келиб чиқадиган долзарб вазифалар ва устувор йўналишларга бағишланган илмий-

Рауфжон ЭШМИРЗАЕВ,
Сурхондарё вилоят прокурорининг
биринчи ўринбосари

амалий конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этилди ва бу йўналишда 2010-2011 йиллар учун тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Жумладан, вилоят ҳокимлиги ва прокуратураси ташаббуси билан жорий йилнинг 26 октябрь кўни ушбу қонун мазмун-моҳиятига бағишланган семинар ўтказилди ва тадбирлар давом этмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур қонун Асосий Қонунимиз - Конституция-миз талаблари асосида мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар даражаси такомиллашиб бораётганидан далолат беради.

Миллий кадриятлар кўзгуси

Азизбек ЮЛЧИЕВ,
Бош прокуратура бўлим прокурори

Жаҳон конституцияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи узок даврларга бориб тақалади. Замонавий конституцияшунослик фанида ушбу муҳим ҳужжатнинг турли шакллари, кўринишлари мавжуд эканлиги таъкидланади. Узок асрлик демократик таърибага эга бўлган давлатларнинг конституцияларини ўрганганда, уларнинг ўз халқи менталитети, сиёсий тарихи билан чамбарчас боғлиқ эканлигини, ўзида энг муҳим ижтимоий-сиёсий муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни акс эттирилганлигини кўриш мумкин.

Президентимиз шу йилнинг 12 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидаги мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституцияимизнинг қонда ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтди.

Ҳақиқатан ҳам, истиқлол йилларида барча соҳаларда эришилган тарихий ютуқларимиз ва муваффақиятларимизни сарҳисоб қилганимизда, Асосий Қонунимизда белгилаб берилган умуминсоний демократик принциплар кенг қўламли ислохотларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилаётганлигини кўришимиз мумкин. Конституциявий норма ва талабларни ижро этиш мақсадида турли қонунлар, давлат дастурлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Конституцияси ўзида умумэтироф этилган демократик тамойилларни акс эттириши билан биргаликда, халқимизнинг неча асрлик кадриятлари, анъана ва руҳиятини ҳам ифодалаган. Бу ҳужжат шуниси билан ҳам диққатга сазовордир. Мазкур муҳим ҳужжатнинг муқаддимасида уни қабул қилишда ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий таърибасига таянганлиги алоҳида қайд этилган.

Конституцияга кўра, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади.

Қўллаб демократик давлатларда амалий ифодасини топиш қийин саналган фуқароларнинг ўзини — ўзи бошқариш институтининг халқимизга хос бўлган бекбёс шакли, яъни маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳуқуқий мақоми конституцияимизда белгилаб берилганлиги ҳам миллий кадриятларимизни асраш, уларни қамол топтириш борасида амалга оширилган муҳим қадам бўлди.

Асосий Қонунимизда, фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбур эканликлари, маданий ёдгорликларни давлат муҳофазасига олинганлиги таъкидланади. Бу эса, инсоният цивилизациясининг бешкиларидан бири бўлган Ватанимизнинг бебаҳо меросини асраб-авайлаш, уни келажақ авлодга бус-бутун ҳолда етказиб бериш шарафли бурчимиз эканлигини аниқлатади.

Конституцияга мувофиқ, вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир. Мазкур тамойил мамлакатимизда олиб борилаётган ҳозирги ижтимоий сиёсатнинг ҳуқуқий асоси бўлиб қолди, десак янглишмаган бўламиз.

Асосий Қонунимизнинг халқчиллиги, унинг ижобий жиҳатларини унинг бир неча нормалари доирасида очиб беришнинг имкони йўқ. Бироқ, Конституцияимизнинг муҳим ҳуқуқий ҳужжат сифатида миллий кадриятларимиз кафолатли, халқимизнинг истиқлол тубайли эришган тарихий ютуғи, ҳеч бир муболағасиз демократик таъриба ҳосиласи, сиёсий-ҳуқуқий кадрият эканлиги аини ҳақиқатдир.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, Конституцияимиз билан фахрланишнинг ўзигагина қийин қилмайди, ушбу муҳим ҳуқуқий ҳужжатни ўқиб ўрганиш, аниқлаш, тарғиб қилиш, шунингдек, энг асосийси, белгилаб берилган норма ва талабларни бажариш лозимдир. Ана шундангина, Конституцияни қабул қилишдан қўланган асосий мақсадларга эришиш, пировардида эса инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мумкин бўлади.

Халқ тафаккурининг маҳсули

Алишер ТЕСАЕВ,
Навоий вилоят прокурорининг катта ёрдмчиси

Хар бир давлатнинг конституцияси аввало, унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, онги ва маданиятини ўзида акс эттиради. Конституцияимиз унинг муқаддимасида мустаҳкамлаб қўйилгандек, инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги гоёларига садоқат, ҳозирги ва келажақ авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий таърибасига таяниш, демократик ва ижтимоий адолатни, қонунийликни ҳурмат қилиш, халқро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қондалари устулгини тан олиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, инсонпарвар демократик-ҳуқуқий давлат барпо этиш ва ниҳоят фуқароларнинг тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш каби олижаноб мақсадларни қўзлайди.

Конституцияимизда фуқароларнинг аҳиллиги, халқимизга хос одампийлик, умуминсоний қадриятларга ҳурмат каби фазилатлар ўз аксини топган. Қардошлик ва дўстлик анъаналари, халқларнинг ўзаро тотувлиги ва қўшнчилиги принциплари ҳам унда муҳим ўрин тутайди.

Мамлакатимизнинг етакчи олим ва ҳуқуқшунос мутахассислари Конституция негизидagi суверен тараққиёт йилларида бизда бутунлай янги, илгор қонунчилик шаклланишга ҳам эътиборни қаратдилар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мамлакатни эркинлаштириш ва модернизациялаш негизида киритилган ўзгаришлар конституциявий ҳуқуқий ислохот амалга оширилганидан далолатдир. Бу ўзгаришлар демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакатимизни кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари илгариллаб бориш зарурати тақозосидир.

Ота-боболаримиз азал-азалдан бебаҳо бойлик саналмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон қамолоти ва миллат раванқининг энг асосий шарти ва гарови деб билишган. Зеро, Юртбошимиз "Юксак маънавият - энгилмас куч" асарида таъкидлаганидек, таълим-тарбия - онг маҳ-

сули, лекин аини вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди.

Истиқлол йилларида таълим-тарбия соҳасида амалга оширилган, қўламли ва моҳиятига кўра улкан ишлар биз қўзлаган эзгу ниятларимизга эришиш йўлида мустаҳкам замин яратди. Зеро, буларнинг барчаси фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Конституция эса ана шу мақсаднинг муҳим кафолатидир.

Мустақилликдан кейинги йилларда ажодлар қолдирган бой маданий меросни тиклаш ва янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буюк алломалар ва азиз авлиёларимиз муқаддас қадимларини таъмирлаш ва ободонлаштириш, уларнинг бой илмий-маданий меросини ўрганиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Бу ўзгаришлар халқро жамоатчилик томонидан эътироф этилиб, юқори баҳоланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллиги нишонланаётган бугунги кунда мамлакатимизда ўрнатилган конституциявий тузумни янада мустаҳкамлаш долзарб масала ҳисобланади. Бунинг учун, авваламбор, Конституция нормаларида белги-ланган қондаларнинг ижросини таъминлаш механизмини мустаҳкамлаш муҳимдир. Конституциявий нормаларнинг сўзсиз бажарилиши Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш учун замин бўлиб хизмат қилади. Президентимиз таъкидлаганидек, қонун устуворлиги амалда ўрнатилган тақдирдагина адолат ҳукм суради. Қонун устуворлиги эса қонунларнинг бош қонуни бўлиши Конституциянинг устуворлигини шарт қилиб қўяди.

(Давоми. Бошланиши 3-бетда)

Мустақил демократик тараққиёт ва фаровон ҳаёт қомуси

Айниқса, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши кафолатланганлиги жамиятда тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг муҳим омили сифатида намойён бўлмоқда. Бинобарин, хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимояси таъминланганлиги фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларини амалда таъминлашнинг кафолатини яратмоқда.

Тадбиркорлар, кичик ва оилавий бизнес субъектлари ва фермерлар каби мулкдорлар синфи давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги конституциявий кафолатларнинг амалда рўёбга чиқаётганлигининг исботидир. Мулкдор бўлиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатлари фуқароларни иқтисодий фаолликка ундамоқда ва улар манфаатдорлигини таъминламоқда. Кези келганда, шуни айтиш керакки, фуқаролар иқтисодий фаоллигининг ошиши энг аввало, улар фаровонлигини таъминлашнинг, қолаверса, жамият ва давлат тараққиёти бардавонлиги ва раванқининг муҳим гарови ҳисобланади. Айниқса, тадбиркорлик субъектларига берилаётган тегишли имтиёз ва энгилликлар ҳам улар даромадларини оширишга ва молиявий аҳолининг яхшилланишига замин яратмоқда. Бинобарин, ҳар бир шахнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий фаол бўлиши ҳамда уларнинг юксак маънавиятга эга бўлиши, Конституция берган имконият ва кафолатлардан оқилана фойдалана олиши, ўз қобилиятларини Ватан ва жамият раванқига йўлида намойён этиши мустақил демократик тараққиётни таъминлашга ёрдам беради.

Мамлакатни модернизация қилиш фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги кенг қўламли улугвор вазифаларни ҳал қилишга қодир баркамол авлодчи тарбиялаш, ёшларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим тизимидаги ислохотларни жадал суратлар билан амалга ошириш мустақил тараққиёт ва фаровон ҳаётга эришишнинг муҳим шартидир. Юртбошимиз томонидан 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинган ва унда белгиланган вазифаларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги бу борадаги энг илмий давлат сиёсатининг мантикий давомидир. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: "Конституция - нафақат бугунги куннинг қомуси, балки у эртанги кунимиз, қураётган жамиятимиз истиқболини аниқлаб бериувчи ҳужжат, фарзандларимиз йўлини еритиб турувчи маёқдир". Аини шу маънода давлатимизнинг тараққиёти ва фаровон ҳаёт барпо этиш ўз навбатида ёшлар зиммасига ҳам улкан маъсулиятли вазифа юкланаётганлигидан далолат беради. Шу боис бола ва ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг кафолатлари яратилганлиги ва уни такомиллаштириш бўйича қонун ижодкорлиги фаолияти амалга оширилаётганлиги келажақда буюк давлатни куриш борасидаги эзгу мақсадларга эришишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқ ва эркинликлар ҳимояси

Дунёда қонунлар кўп. Лекин жамият ҳаётида доимо муҳим ўрин тутадиган шундай улугвор ҳужжатлар борки, улар халқнинг, келажақ авлоднинг тақдирини белгилаб беради. Мамлакатнинг тараққиётига пойдевор бўлади. Давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитади. Ана шу қонунчиликнинг юраги эса Конституция ҳисобланади.

Республикаимиз Конституциясида ҳам ҳар бир инсоннинг шахсий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ қафолатланган. Унда шахснинг ўқиши, ижод қилиши, тадбиркорлик билан шуғулланиши, камолотга етиши учун барча ҳуқуқий асослар яратиб берилган. Зотан, бугун мулкдорларнинг, тадбиркор, деҳқон ва фермерларнинг бутун бир янги қатлами вужудга келиши, тилимиз ва динимизнинг, улуг аждодларимиз ва миллий қадриятларимизнинг эъзозланиши, тинчлигимиз ва оқсоқилликимизнинг таъминланиши, Ватанимиз тараққиётининг барча-барчаси Конституцияси билан боғлиқ жараёнлардир.

Энг асосий жиҳатлардан бири эса Конституциямиз халқнинг иродасини ифодалаб, унинг манфаатларини ҳимоя қилаётганлигидир. Бир сўз билан айтганда, Конституциямизда "халқ давлат ҳокимиятини бирдан-бир манбаи", деб эътироф этилганлигидир. Хусусан, Конституциянинг 1-боб, 2-моддасида "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар" деб алоҳида белгиланг қўйилган. Энди бир эътибор беринг, мустабид тузум даврида мамлакатдаги барча бойликларнинг, мулкнинг эгаси давлат ҳисобланарди. Собиқ иттифоқ парчаланган йиллардаги энг оғир бурилиш нуктаси-

да, бутун халқнинг, миллатнинг тақдирини, эркинлиги ва орзу-хаваасларини рўёбга чиқариш учун янги Конституцияни яратиш даврида Президентимиз "Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуги Инсон деган фикрни ушбу ҳужжатда илгари суриш керак" деган ташаббус билан чиққан эдилар. Шундай қилиб, Президентимиз раҳнамолигида тамомила янги, инсон манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи чинакам демократик Конституциямиз яратилди ва ҳаётга татбиқ этилди.

Конституциянинг XI боб, 49-моддасида "Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини аялаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир" деб, қайда этилиши ҳам узоқ йиллар давомида камситилган маънавий қадриятларимиз тикланиб, янада ривож топа бошлаганидан далолат беради. Айтиш жоизки, халқимиз ўзининг маънавий етуқлиги, ҳар бир ишга илм-маърифат билан ёндашуви, эзгулик, инсонийлик каби юксак фазилатлари билан бундан минг йиллар аввал ҳам бошқа халқлардан ажралиб турган. Ота-боболаримиз ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитда ҳам маънавий ҳаёт мезонларига таъйиб аяшган.

Ўтмиш тарихимиз дунёдаги ҳар бир халқ ва миллат сингари ўзбеклар учун ҳам ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган таъмин, қўлқидиз ва таъин нуктаимиздир. Ўтмишни билмасдан туриб, ҳозирги давр ва келажакни таъсирга қилиб бўлмаслигини мустамлакачилар билганлар. Шунинг учун ҳам тари-

химиз мустабид тузум даврида сохталаштирилди. Яқин-яқинларгача мактаб ўқув дастурларида Ўзбекистоннинг қарийб ўн асрлик тарихини ўрганиш учун ажратилган соат жуда кам бўлар, унда ҳам юзаси ва бир томонлама ўргатиларди. Дарсликларда князь Игорь тўғрисида боб-боб ёзувлар битилиб, Македонский, Наполеон, Екатерина ва бошқа рус, юнон ва европалик аслзодалар тўғрисида анча-мунча нарсалар ёзилар эди-ю, аммо Шарқ ва Ғарб ўрта аср математика илми ва мактабининг асосчиси Ал Хоразмий ёки Шарқ Аристотели унвонига сазовор бўлган Абу Наср Фаробий, тиббиёт илмининг етакчиси Абу Али ибн Сино, шарқнинггина эмас, балки бутун инсониятнинг факри-ифтихори, қомусий ақл эгаси Абу Райҳон Беруний, Ўрта аср астрономиясининг ёрқин юлдузи Ал Фарғоний, ҳадиси шариф ва фикрнинг буюк алломалари Имом Бухорий, Абу Исо Термизий, Ҳожа Аҳмад Яссавий, юлдузлар жадвалининг асосчиси Мирзо Улуғбек, проза ва поэзиянинг ёрқин намояндаси Алишери Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур сингари юзлаб улуг зотлар ва уламои қиромлар ҳақида етарли маълумот берилмас эди. Амир Темур бобомизга нисбатан эса босқинчи, эл-юртни талаган дея баҳо берилганди.

Улуг бобомиз шахси ва фаолиятига берилган сохта баҳо-лар даврлардан даврларга ўтаверди, китоблардан китобларга кўчаверди. Бошдан-оёқ ёлғондан иборат илмий, бадиий, фалсафий ва тарихий асарларга катта-катта муқофотлар берилди. Қилинган адолатсизлик ва сохталаштирилган кам-

лик қилганидай, улар бошқа тилларга таржима ҳам қилинди. Бироқ, бобомизнинг Европа ва Осиё халқлари, бутун дунё олдидидаги буюк тарихий хизматлари ҳақида лом-мим дейилмади. Ҳолбуки, Марказий Осиёнинг муғуллар зулмидан озод қилиниши ва қайтадан марказлаштирилиши, феодал урушларнинг тугатилиши, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъатнинг ривожланиши, Самарқанд ва Бухорода, Тошкент ва Шаҳри-сабзда, умуман Мовароуннаҳрда, Эрон ва Афғонистонда, Хиндистон ва Туркияда, Арабистонда Ҳиротда қанчадан-қанча бинолар, қасрлар, масжид-у мадрасалар, ҳашаматли меъморилик обидаларининг қурилиши, боғлар, расталар, сув иншоотларининг барпо этилиши, савдо йўлларининг очилиши Амир Темур ва Темурийлар номи билан боғлиқ эди. Аммо нафақат Амир Темур тарихи, балки Ўрта Осиёнинг XIV-XV асрлардаги тарихи ҳам деярли ўрганилмади. Ана шу даврлар тарихини ёшларгина эмас, катталар ҳам билмасди. Чунки бу даврлар тарихи ҳеч қайси дарсликда ва ҳеч қайси қўланмада ёритилмаганди.

Бугун ўзбек халқининг ана шу бир неча минг йиллик тарихига оид дарсликларнинг яратилиши, халқимизнинг кечмиш тарихи ва ҳаётини ўзида мукаммал акс эттирган асарларнинг ўз она тилимизда илк бор нашр этилаётганлиги, аждодларимиз тарихининг тикланётганлиги мустақиллигимиз, қоллаверса, Конституциямизнинг самарасидир. Биргина Республика шарқшунослик илмий тадқиқотлар институтининг кутубонасига таширф буюрсангиз, у

Гулчеҳра РАЗЗОҚОВА,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Тошкент вилоят бошқармаси матбуот
гуруҳи катта инспектори

ердаги 25 минг жилдан зиёд нодир, тенги йўқ ва такрорланмас илмий фалсафий, бадиий ва тарихий асарларнинг даврлардан даврларга ўтиб, алғов-далғовларга бардош бериб, бизларга мерос бўлиб етиб келганлигининг гувоҳи бўласиз. Бу китоблар ҳали бизга ўрганилмаган тарих зарварларини очиб беради.

Конституциямизнинг IX боб, 42-моддасида эса, "Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи қафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига раҳбарлик қилади", деб белгиланг қўйилган. Бу билан мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча фуқароларнинг билим олиши, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқлари, илмий ва техникавий ижод билан шуғулланишининг эркинлиги таъминланади.

Хуллас, буюк алломаларимиз томонидан давлат бошқаруви, унинг ижтимоий-иқтисодий асослари хусусида баён этилган илмий — фалсафий ғоялар ҳозирги ҳуқуқий давлатимизнинг қарор топиши ва мустақамла-нишида хизмат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, бугун ҳуқуқий демократик давлатимиз ўзининг ана шу тарихий илмларига, халқимизнинг азалий анъаналари, удулмари, диний, ахлоқий қадриятлари, маданий-маънавий бойликларига асосланган ҳолда ривожланиб бормоқда.

Умуминсоний дахлсиз ҳуқуқлар

Мамлакатимиз Конституцияси юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти, яъни халқнинг ўзи бевосита бошқарадиган жамият барпо этишини асосий мақсад қилиб қўяди. Унда инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият эканлиги ёрқин ифода этилган ва инсонни улуглаш, уни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама камол топтириш асосий ғояга айлантирилган. Зеро, Конституциямиз инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳуқуқий меъёрлар асосида ишлаб чиқилган ва айтиш мумкинки, уни янада тўлдирган.

Барчамизга маълумки, "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси" инсонларнинг ажралмас ва дахлсиз ҳуқуқлари сифатида қуйидагиларни белгилайди: "Барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларида тенг бўлиб туғилганлар" (1-модда); "Ҳар бир инсон яшаши, эркинлиги ва шахсий дахлсизлиги ҳуқуқига эгадир" (3-модда); "Ҳеч ким қўлқидга ёки қарамлигидан сакланиши мумкин эмас, қўлқилик ва кул савдосининг барча турлари тақиқланади" (4-модда) ва ҳоказо. Шунинг ўзи ҳам Конституциянинг умумбашарий инсонпарварлик қоидаларига асосланган давлат эканлигини кўрсатади.

Республикаимизда инсонларни миллатига, динига, ижтимоий аҳолига, сиёсий ва бошқа эътиқодига қараб чеклашлар йўқ. Чунонки, Конституциянинг энг муҳим қисмларидан бўлган иккинчи бўлими инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган. Конституциянинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, у фақат фуқароларни, яъни давлатимизга мансуб кишиларнинггина эмас, балки Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча инсонларнинг муқаддас ва дахлсиз ҳуқуқларини мустаҳкамлайди, муҳофаза қилади.

"Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири, — деган эди Президентимиз Ислам Каримов, — бу тинч яшаши ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан қафолатлаб беришдир. Бу ҳуқуқни амалга ошириш - давлат ва жамиятнинг демократиялаштиришининг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги шу билан белгиланади".

Маълумки, инсон дунёга келар экан, у энг аввало, яшаши ҳуқуқига эга бўлади. Инсонни ана шу ҳуқудан мосуво қилишга ҳеч ким ҳақли эмас. Асо-

сий Қонунимизга биноан, "Яшаши ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир." (24-модда).

Шуни ҳам алоҳида айтиш керак, Ўзбекистонда инсоннинг бу муқаддас ҳуқуқи Конституцияда нафақат эълон қилинган, балки у амалда қафолатланади. Булар қуйидаги ҳолатларда намоян бўлади: биринчидан, Ўзбекистон ва унинг ҳуқумати томонидан олиб борилаётган барқарорлик ва тинчликни сақлаш сиёсатида;

иккинчидан, Ўзбекистонда яшаши ҳуқуқининг яна бир муҳим қафолатларидан бири инсон умрини узайтириш, ўлимни камайтириш, қўлай ва муносиб турмуш шароитини вужудга келтириш каби мақсадларни назарда тутувчи қучли ижтимоий сиёсат олиб борилаётганлиги;

учинчидан, инсонларнинг яшаши ҳуқуқи турли қонунлар билан ҳам муҳофаза қилинаётганлиги; тўртинчидан, 2008 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилинганлигида намоян бўлади.

Ҳар бир инсоннинг ҳаёти каби эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ҳам муқаддасдир. Ҳеч ким қўлқилик ёки асоратга солиниши, суднинг қарорисиз ўзбошимчалик билан қамоққа олиниши мумкин эмас. Зеро, ҳар бир инсон эркин бўлиб туғилади. Хоҳлаган жойида истиқомат қилиш ҳуқуқига эга ва шу билан бирга амалдаги қонунларга итоат этишга мажбур.

Конституциямизнинг 26-моддасига биноан, "Жиноят содир этганида айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора қўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади".

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Асосий Қонунимизда инсон ҳуқуқлари ва демократия сингари умумбашарий қадриятлар ўз ифодасини топган ва бу миллий давлатчилигимиз манфаатларига тўла-тўқис мос келади.

Энг инсонпарвар, энг адолатли

Ақмал АСРОРОВ,
Янгийўл туман прокурори

Шухрат БОТИРОВ,
Ҳўжайли туман прокурорининг ўринбосари

Тарихдан маълумки, қайси бир давлат ёки жамият барча учун мажбурий бўлган қонун-қоидалар асосида яшаса, олдида қўйган энг эзгу мақсадларига эришади. Бунга бугунги кунда дунёнинг энг ривожланган давлатлари, миллий тарихимизда эса соҳибқирон бобомиз Амир Темур салтанати ва "Темур тузуклари" мисолдир.

Умр бўйи "Қуч - адолатда" ғоясини шior қилиб олган бобомиз салтанатида шу даражада адолат ўрнатилганки, оддий фуқаро ҳам, йирик амалдорлар ҳам ўзларини қонун ҳимоясида деб ҳис этишган.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси биз учун ана шундай аҳамиятга эга муҳим ҳуқуқий ҳужжатдир. Унда жамият ҳаётининг тартибга солинмаган ҳеч бир жиҳати йўқ, десак муболага бўлмайди.

Фурсатдан фойдаланиб айрим мисолларга мурожаат этмоқчимиз. Конституциямизнинг 40-моддасида "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир", дейилган. Бунинг инъикосини ҳаётда қўриб турибмиз. Ёш авлоднинг мукаммал билим олиб, ҳар томонлама қомил инсон бўлиб вояга етиши учун яратилган шароитлар тўғрисида фарзандларимиз илм сирларини пухта эгаллаб, турли халқаро фан олимпиадаларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Конституциямизнинг 107-моддасидаги "Фавқулодда судлар тузилишига йўл қўйилмади" деган сўзларни ўқиганда кишининг ёдига бекитиб ўтган асрнинг ўттинчидан йилларида юртимизда мустабид тузумнинг кўрсатмалари билан содир этилган хунрезликлар тушади. Ўша даврда "иқчилки", "училки" деб аталган фавқулодда судларнинг ҳукми билан не-не миллатларпарвар юртдошларимиз "миллатчи", "халқ душмани" деган сохта айбловлар асосида озодликдан маҳрум этилган, айримлари қатл қилинган эди.

Биргина шу фактнинг ўзи ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан Асосий Қонунимизда белгиланган бошқа қўлгина қафолатлар Конституциямизнинг дунёдаги энг инсонпарвар, энг адолатли қонунлардан бири сифатида тан олинишига сабаб бўлди.

Бизнинг вазифамиз уни халқимиз орасида янада кенг тарғиб этиш, фуқароларни унда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда бурчларини тўлиқ адо этишга даъват қилишдан иборатдир.

Ўзбекистон Конституцияси дунё нигоҳида

Ўзбек халқи азал-азалдан ўзининг меҳмондўстлиги ҳамда бағрикенглиги билан ном қозонган. Бугунги кунга келиб ҳам мамлакатимиз бир неча юзлаб хорижий давлатлар билан мустақкам алоқалар ўрнатмоқда. Шу жумладан, ташқи сиёсий ва иқтисодий муносабатларни ўрнатиш бўйича қатор халқаро шартномалар имзоланган. Ҳа, Ўзбекистон дунёга юз тугмоқда. Шу маънода, юртимизда оиласи билан шартнома асосида ишлаб юрган ёки таълим олаётган чет эллик фуқаролар кўпчилиги ташкил этиши, албатта, қувонарли ҳолатлар.

Хорижий давлат фуқароларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаат ва эркинликларининг кафолати Республикаимиз Конституциясининг 23-моддасида куйидагича ифодаланган: "Ўзбекистон Республикаси ҳудудидоги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчлари адо этадилар".

Ўтган ҳафта мамлакатимиз Конституциясини тарғиб қилиш, Республикаимизда олиб борилаётган ташвиқот ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги чет эл фуқароларига Тил ўргатиш марказида бўлди. Марказ директори Шавкат Йўлдошев мақсадимизни аниқлаш, бизни тил ўрганаётган хорижий фуқаролар билан таништирди. Улар ўз давлатларининг қонунчилик тизими билан Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларининг афзаллиги, ўқашлик ва тафовутлари ҳусусида фикр — мулоҳазаларини билдиришди.

Ванг ЧЕНГ (Хитой): — Ўзбекистонда ўзбек ва рус тилларини ўрганиш билан бирга, бизнес ва тадбиркорлик билан шугулланаямман. Марказда ўтиладиган дарсларда Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари билан яқиндан танишиб бораёямиз. Шу ўринда Хитой Халқ Республикасининг қонунчилиги тарихидан билганларимни айтиб бермоқчиман. Давлатимизнинг амалдаги конституцияси 1982 йил декабрда қабул қилинган бўлиб, охириги марта 2004 йилда айрим ўзгаришлар киритилди. Хитой ва Ўзбекистонда жорий этилган баъзи бир қонунлар ва конституциядаги айрим моддалар ўртасида ўқашлик ва тафовутлар бор экан.

Салвей ГАРДРИДЖ (Англия): —



Англиядан Ўзбекистонга келганимга ҳали кўп бўлгани йўқ. Бу ерга келишдан аввал Интернет орқали Ўзбекистоннинг географияси, иқтисодиёти, айниқса қонунчилиги ва Конституцияси билан танишиб чиққан эдим. Турмуш ўртоғим шартнома асосида Халқаро банк иши бўйича Тошкентда ишляпти. Ҳозир оилам билан ўзбек ва рус тилларини ўрганаёямиз. Ўзим лингвистикага қизиқаман. Инсон қайси давлатда яшаши ёки ишлашдан қатъи назар, ўша давлатнинг қонун ва қоидалари билан танишиб чиқиш шарт. Zero, ҳуқуқий саводхонликнинг асоси Конституция ва қонунлардан хабардор бўлишдир. Буюк Британия ва Ўзбекистон конституциялари ва қонунлари ўртасида тафовут ва муштараклик бор.

Илдико КОВАЧ (Венгрия): — Ўзбекистонда яшаётганимизга 8 ой бўлди. Эрим шартнома асосида Тошкентдаги "General Motors" автокомпаниясида ишлайди. Марказда ўзбек ва рус тилларини ўрганаёямман. Мутахассислигим биолог. Кейинчалик рус тилини ўрганиб, Венгрияда рус тилидан дарс бермоқчиман. Икки қизим Тошкентдаги халқаро мактабнинг юқори синфларида ўқишмоқда. Уларнинг айтишича, мамлакатингиз Конституцияси боғчадан, кейинчалик эса мактабда махсус ўргатилади экан. Бу, албатта, тахсинга сазовор. Ўзбекистон ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти қуришда тўғри йўлдан бораёпти, деб ҳисоблайман. Энди, ўзимнинг юртимга келсак, Венгриянинг амалдаги конституцияси 1949 йил 18 августда қабул қилинган. Давлат бошчилигимиз — президент бўлиб, у мамлакат қироли қуварининг бош қўмондони ҳисобланади ва унинг ваколат мuddати 5 йил. Қонун чиқарувчи орган — парламент бўлиб, давлат ҳокимиятининг олий органи — Давлат мажлиси ҳисобланади.



Ўрта Осиё тарихи билан танишган, фикшунослик илми Амир Темури даврида тизимлилик ҳолатига келтирилганлигини билдим. Назаримда, ҳар бир давлатнинг конституцияси халқнинг ўтмиши ва бугунги турмуш тарзи билан бевоқифа боғлиқ, давлат жамияти ва сиёсатини ҳисобга олган ҳолда жорий қилинади.

Ли ЕДИ (Жанубий Корея): — Ўзбекистонда тил ўрганиб, кейинчалик таржимон бўлмоқчиман. Тил марказига илк бор келганимда девордаги стендларга қўзим тушди. Ҳали тил билмаган

Гули ҲОЖИБОЕВА,
"Huquq"

ним учун уларда нима ёзилганини тушунмас эдим. Орадан кўп ўтмай улардаги маълумотларни ўқий бошладим. Стендлардаги Ўзбекистон герби, байроғи, мадҳияси ва Конституция моддалари билан танишиб чиқдим. Мамлакатингиздаги баъзи бир ислохотлар жараёни менга ўз ватанимни эслатди.

Жанубий Кореянинг ҳам ўзига хос қонунчилик тизими мавжуд бўлиб, парламентли республика ҳисобланади. Амалдаги конституциямиз 1988 йил 25 февралдан қучга кирган.

Махназ АБАДЖ МОХАММАД (Эрон): — Отам билан Ўзбекистонга келганимизга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Отам Тошкентдаги Эрон компаниясида етакчи мутахассис бўлиб ишляпти. Мен эса тил марказида ўзбек ва рус тилларини ўрганаёямман. Ҳуқуқий билимга қизиқишим кучли. Юртингизда турли миллат вакилларининг диний эътиқоди ҳурмат қилиниб, конституция моддаларига тўла амал қилинишига амин бўлдим. Конституциялар ҳақиқатан ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий турмуш тарзини яхшилашга қаратилган экан. Эрон давлатчилиги тарихи ҳам ўзига хос. Эрон давлати 1979 йил Ислам Республикаси деб эълон қилиниб, умумхалқ референдумига кўра республика тузуми ўрнатилган эди. Бунга қадар "Эрон шоҳаншоҳ давлати" деб аталган. 18 ёшга тўлган барча фуқароларга сайлов ҳуқуқи берилган.

Инан МИШК ФИЛИЗ (Туркия): — Тил марказида ўқий бошлаганимга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Отам йирик тадбиркорлардан бири. Бугунги кунда оиламиз билан Тошкентда яшаймиз. Ўзбекистон маданияти ва ёшларнинг билимга чанқоқлигини кўриб, маърифатга бўлган қизиқишим янада ортди. Туркия Республикасининг амалдаги конституцияси 1982 йилда қабул қилинган бўлиб, унга бир неча марта тузатиш ва қўшимчалар киритилган эди. Давлат бошчилигимиз — президент бўлиб, у 7 йил мuddатга сайланади. Қонун чиқарувчи олий парламент — Буюк Миллат Мажлиси ҳисобланади.

Диана ПОЛЕТ (Бельгия): — Тошкентда яшаб, ишлаётганимга бир йилдан ошди. Одамзот миллат, Ватан ва ота-онани танлай олмайди. Аммо табиат қонунларидан бошқа қонунларни одамзотнинг ўзи яратар экан. Жумладан, Бельгия конституциявий монархия бўлиб, амалдаги конституциямиз 1831 йилда қабул қилинган эди. Давлат бошчилигимиз президент эмас, қирол ҳисобланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни қирол ва парламент амалга оширади.

Масим МОХАММАД (Қувайт): — Тошкентга келганимга тўрт ой бўлди. Аммо Ўзбекистонлик ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини кўриб қувондим. Ҳуқуқий пойдевори мустақкам юртининг келажаги буюк бўлади. Ҳар бир фуқаро ўз ватанидаги қонунлардан хабардор бўлиши шарт, деб ҳисоблайман. Ўзбекистон ва Қувайт конституциялари ўртасида катта фарқ бор экан. Ватаним Қувайт давлати — конституциявий монархия бўлиб, амалдаги конституциямиз 1963 йил 30 январдан қучга кирган. Давлат бошчилигимиз амир ҳисобланиб, у ҳукуматни бошқаради ва қонунларни тасдиқлайди. Қувайтнинг туб аҳолисида фақат эркаклар 21 ёшдан сайлов ҳуқуқига эга.

Пандей САХИЛ (Хиндистон): — Марказда ўқий бошлаганимга атиги олти ой бўлди. Отам ҳуқуқшунос бўлганлиги сабабли, ҳуқуқшуносликка қизиқаман. Ўзбекистонда қабул қилинган қонунлар ва эълон қилинаётган фармонлар билан доимо танишиб бораман. Давлатингиз Конституциясининг 18 йиллиги нишонланаётган бўлса-да, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигига бўлган қизиқиш катта экан. Жумладан, Хиндистон федератив республика ҳисобланиб, амалдаги конституциямиз 1950 йил 26 январдан қучга кирган. Давлат ҳокимиятининг олий органи — парламент. Суд системаси Олий суд ҳисобланиб, у конституциявий назорат органи ҳамдир.

Сугимото КУМИКО (Япония): — Ўзбекистонда иш бошлаганимга икки йилдан ошди. Шу даврда ўзбек халқининг маданияти, урф-одатлари ва қонунчилиги билан ош бўлса-да, танишдим. Элчиюна ҳамкорлигида ва ҳамюртларимиз билан Ўзбекистон қонунлари ва уларга киритилган ўзгаришлар билан доимо танишиб борамиз. Давлатларимиз қонунлари бири-бирдан кескин фарқ қилади. Японияда конституциявий монархия ўрнатилган бўлиб, амалдаги конституциямиз 1947 йил 3 майда қучга кирган. Давлат бошчилиги император. Конституциямизнинг 1-моддасига кўра, у "Давлат ва халқ бирлиги рамзи"дир. Император оиласининг эркак аъзолари императорлик тахтининг меросхўри ҳисобланади. Конституцияга мувофиқ, император мустақил ҳокимиятга эга эмас. Императорнинг давлат ишларида алоқадор бўлган ҳар қандай фаолияти Вазирлар Маҳкамаси маслаҳати ва маъқуллаши билан амалга оширилади.

Сайид Шейх ХАФИЗ ур РЕХМАН (Покистон): — Тошкентда бир неча йилдан бери савдо фирмасининг раҳбари лавозимида фаолият қилиб келаямман. Оилам Покистонда. Улар ёз ойларида Тошкентга келиб туришади. Фарзандларим Ўзбекистонда ўқишмоқчи. Давлатингиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат ва чет эллик тадбиркорларга яратилган шарт-шароитлардан мамнунимиз. Айниқса, Конституциянинг билан жиддий танишиб, тегишли маълумотларга эга бўлдим. Ватаним Покистон Ислам Республикаси ҳисобланиб, амалдаги конституциямиз 1973 йилда қабул қилинган эди. Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали парламент, яъни Миллий ассамблея ва Сенат иштирокида.

Муса ИНДРАДИ (Индонезия): — Мамлакатингиз мустақилликка эришганидан сўнг давлатларимиз ўртасида бир қанча сиёсий-иқтисодий шартномалар имзоланиб, ўзаро ҳамкорлик ришталари ўрнатилди. Албатта, биз индонезияликлар бундан мамнунимиз. Юртингизда шартнома асосида иқтисод ва тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётганимга бир йилдан ошди. Индонезия унитар республика ҳисобланиб, амалдаги конституциямиз 1945 йил августда қабул қилинган. Давлат ҳокимиятининг олий органи — Халқ маслаҳат конгресси ҳисобланиб, у конституцияни тасдиқлайди, унга ўзгаришлар киритади, президент ва вице-президентни сайлайди. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент — халқ вакиллари кенгашидан иборат. Ижроия ҳокимиятни президент ўзи тайинлаган ҳукумат билан бирга амалга оширади.

Тадбиркорлик фаолияти — иқтисодийёт таянчи

Бугун тадбиркорлик фаолияти аҳоли фаровонлиги ва даромадларини ошириш муаммоларини ҳал этишининг ҳамда у орқали мамлакат тараққиётига эришишнинг бирдан-бир йўли эканлиги ўз исботини топмоқда. Бинобарин, Юртбошимиз ташаббуси билан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга оид барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Президентимиз Олий Мажлис палаталарининг яқинда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузаларида ҳам айтиш шунисига алоҳида тўхталди.

Бу беҳиз эмас, албатта. Негаки, аҳоли турмуш даражасининг юксалиши, тўқин-соқинлик, қолаверса, мамлакатимизнинг куч-қудрати кўп жиҳатдан мазкур соҳанинг тараққиётига бағлиқ. Ривожланган давлатлар тажрибасига назар ташланса, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, кўрсатилётган хизматлар ва давлат бюджетига тўланаётган солиқларнинг асосий қисми кичик ва ўрта бизнес ҳиссасига тўғри келишини кўриш мумкин. Шу боис ҳам Департаментнинг Фаргона вилоят бошқармаси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қўйилган.

Бироқ, Юртбошимиз томонидан тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб берилган бир вақтда айрим мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вази-фаларини суистеъмол қилишлари тадбиркорлар йўлига тўсиқ бўлмоқда. Масалан, Фаргона вилояти "Энергомаркази" ОАЖ директори Неъмат Қодировнинг ўз нафси йўлида мансоби суистеъмол қилиши Жиззах вилоятининг Фаллозор туманидаги фаолият кўрсатувчи "Ижод" хусусий фирмаси раҳбари Авалимурод Мусурмановни қўтллаган муаммога рўбарў қилди. Гап шундаки, томонлар ўртасида имзоланган шартномага асосан фирма Фаргона

шаҳар "Сувоқава ишлаб чиқариш" ОАЖга 40 миллион сўмлик "БК-16" русумли кабель маҳсулоти етказиб берган. Кейинчалик уч томонлама тузилган шартномага қўра, ушбу маҳсулотлар Фаргона вилояти "Энергомаркази" ОАЖ ҳисобига ўтказилган. Аммо марказ директори Н.Қодиров "Ижод" хусусий фирмасининг 20 миллион сўм дебити қарздорлиги совун етказиб бериш орқали ҳисоб-китоб қилинишини, бунинг учун эса фирма раҳбаридан мазкур сумманинг 10 фоизи - 2 миллион сўм миқдоридан пора беришни талаб қилади. Чорасиз қолган А.Мусурманов бизга ариза билан мурожаат қилди. Шундан сўнг Департаментнинг Фаргона вилоят бошқармаси ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбирда тамағир раҳбар ҳамда унинг гумаштаси - марказнинг таъминот бўлими бошлиғи М.Бойматов қўлга олинди.

Ўзига билдирилган юксак ишончини ҳақлақ отган нафси йўлида қурбон қилган мансабдорлардан яна бири Фаргона шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг собиқ инспектори Жаҳонгир Оббозовдир. Маълум бўлишича, у яқка тартибдаги тадбиркор Х.Сотволдиев томонидан даромад солиғи учун тўланган 150 минг сўм пулни қалбаки қвонтичига қайд этади ва пулларни банк муассасасига топширмай, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборади. Шунингдек, Х.Сотволдиев 2009 йил ва 2010 йилнинг ўтган даврида доимий фаолият юритиб келган бўлсада, Ж.Оббозов тадбиркорнинг 2009 йил февраль-июнь ойларидаги фаолиятини ҳужжатларда вақтинча "тўхтатади". Натижада ушбу давр учун бюджетга тўланиши зарур бўлган 329 минг 600 сўм нақд пулни Х.Сотволдиевдан қабул қилиб олади ва шахсий манфаатлари учун ишлатиб юборади. Қолаверса, солиқ инспектори Х.Сотволдиевнинг автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устaxonасида давлат рўйхати-

дан ўтмай фаолият кўрсатаётган Х.Рўзиматов, Д.Арипов ва А.Екубовларга ноқонуний фаолият учун шартли яратиб берган. Шу тариқа улар томонидан 4 миллион 329 минг 100 сўм миқдориданги солиқлар давлат бюджетига тўланмайд.

Хар иккала ҳолат юзасидан ҳам жиноят иши қўзғатилиб, қонун устуворлиги таъминланди.

Маълумки, молиявий қўлаб-қувватлаш тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантиришнинг энг муҳим омиллидир. Шу боис бошқармабиз томонидан тадбиркорлик субъектлари учун кредит маблағлари ажратилиши юзасидан ҳам мунтазам назорат ўрнатилган. Натижада йилнинг ўтган даврида 2 та ҳўжалар юритувчи субъект 90 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар билан таъминланди. Бундан ташқари, бошқармабизда "Ишонч телефони" ҳам ўрнатилган бўлиб, у орқали қилинган мурожаатлар ўз вақтида ҳамда тезкорлик билан ҳал этилмоқда.

Маълумки, сўнгги йилларда юз берган жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида ҳам мамлакатимизда иқтисодий ўсишга эришилди. Бу БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган саммитида ҳам эътироф этилди. Бу ҳам Республикабизда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши учун нақадар кенг имкониятлар яратилганидан далолатдир. Албатта, жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг ўртинмиш иқтисодийга таъсири ни бартараф этиш нафақат иқтисодчилар, балки биз қонун ҳимоячилари зиммасига ҳам қатта масъулият юклайди. Бинобарин, ходимларимиз томонидан яширин ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланган шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш, фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатилиши тўғрисида янги иш ўринлар яратилишига ҳамда мазкур субъектлар эвазига давлат бюджетига тўланадиган солиқ ва нақд пул тушуми миқдори-

нинг ошишига эришилди. Жорий йилнинг ўтган даврида 30 та ана шундай субъектнинг фаолияти тикланиб, 154 та янги иш ўринлари яратилди. Чунки тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишини таъминлаш нафақат тадбиркорларни ҳимоя қилиш, балки ноқонуний тадбиркорлик фаолиятига барҳам беришда ҳам намоён бўлади.

Мадомики, гап тадбиркорлик фаолиятининг ҳимояси ҳақида борар экан, бунда Юртбошимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонини алоҳида тилга олмаслик мумкин эмас. Негаки, мазкур фармоннинг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолиятини ҳимоялаш борасида тўб бурилиш ясади. Бошқача айтганда, бу тадбиркорларимизга қанот бериб, тараққиётимизга кенг йўл очди.

Фармонга мувофиқ киритилган дастлабки янгиллик шу бўлдики, тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд орқали қўлланилади. Яъни, аввалги тартиб бўйича ҳўжалар юритувчи субъектларнинг фаолиятини мазмурий тартибда, рўйхатга олувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан тўхтатиш ва тугатиш тартибига чек қўйилди. Келгусида фақат фақуллода вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг соғлиғига нисбатан хавф-хатар юзага келишининг олдини олиш муносабати билангина фаолиятини қўпи билан ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиш ёки фаолиятини тугатиш ҳақида қарорлар қабул қилиш ваколати судларга берилди. Фармоннинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти натижасида олган даромадлари ва мол-мулкларини тасарруф этишларида айрим назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг асоссиз аралашиларига барҳам берилди. Агар эсласак, илгари янги иш бошла-

Ахрорхон ЖўРАХОНОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Фаргона вилоят бошқармаси бошлиғи

ётган, ҳали иш юритиш қоидаларини яхши ўзлаштирмаган, судда иш қўзғатиш тартибини тушунмайдиган тадбиркорлар кўпинча судга мурожаат қилишмас ёки назорат қилувчи идора билан муносабатлари бузилишини эътиборга олиб, судлашшани хоҳламаддан қўлланган молиявий жарималарни тўлаш ёки бизнесни ёпиш тўғрисида ҳўлосага келишарди. Бугун эса аввалги тартибдаги фарқли ўлароқ, у ёки бу ҳўқуқбузарлиқни содир этганликда гумон қилинаётган ва молиявий санкция қўллаш сўраётган шахсларнинг айбини қонуний усуллар билан тўпаланган далиллар билан исботлаб бериш мажбурияти назорат этувчи идора ёҳуд унинг мансабдор шахси томонидан эмас, балки бевосита суд мажлисида тарафлар иштирокида, тадбиркорлик субъектларининг ҳўқуқлари қонун доирасида ҳимоя қилинган ҳолда ҳал қилинапти.

Ҳўлоса ўрнида шунга айтиш мумкинки, бугун тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши учун яратилган шарт-шароитлар энг улўғ, энг азиз неъматимиз истиснонинг меваси ҳамда Бош Қонунимизнинг 53-моддасидаги "Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодийнинг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳўқуқи устуңлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳўқуқлилигини ва ҳўқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳўфаза этилишини кафолатлайди" дея таъкидланган конституциявий қонуннинг ҳаётий ифода-сидир. Зеро, бу бизни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу мақсадимиз сари элтувчи омиллардан биридир.

Бола ҳақида хиёнат — кечирилмас гуноҳ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолининг саломатлигини, жумладан, оналик ва болаликни муҳўфаза қилишга қатта эътибор қаратилди ва бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, келажакимиз эгаларининг ҳар томонлама етук, ҳеч қимдан кам бўлмаган инсонлар бўлиб воёга етишлари йўлида қўрилатган чора-тадбирларни алоҳида эътироф этиш лозим. Ушбу хайрли мақсад учун давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг қўлами тобора ортиб бормоқда ва бу болали оилаларнинг ижтимоий ҳўмоясини янада қўчайтириш имконини бермоқда. Бироқ, айрим нопок шахсларнинг кирдикорлари тўғрисида баъзи ҳўлларда бу маблағлар ўз эгаларининг қўлига етиб бормаяпти.

Сирдарё вилоят прокуратураси томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ўтказилган текширишлар давомида ана шундай ҳўлатлар содир этилгани

Шукрулло ТУРСУНОВ,
Сирдарё вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

аниқланди. Афсусланарлиси, талон-торож билан боғлиқ қонунбузарликлар аксарият ҳўлларда маҳалла фуқаролар йиғинларининг мансабдор ва масуул шахслари томонидан содир этилган.

Мисол учун, Гулистон шаҳар прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда "Янгиҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғинида "Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги ва "Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунча қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги норматив ҳўқуқий ҳўжжатларнинг ижроси ўрганилганда, фуқаролар йиғинларининг мансабдор шахслари ҳўжжатларни қалбақилаштириб, кўп

миқдордаги бюджет маблағларини талон-торож қилганликлари маълум бўлди. Жумладан, "Фаргона", "Янгиҳаёт" МФЙ мансабдор шахслари 2009 йил март-ноябрь ойларида уч нафар фуқарога 771 074 сўм маблағни ноқонуний равишда тўлаб юборишган. "Мустақиллик" МФЙнинг мансабдор шахслари эса мансаб маъқеларини суистеъмол қилган ҳўлда ўтган йилнинг апрель-ноябрь ойлари учун уч нафар фуқарога 739,6 сўмлик нафақани қонунга зид тарзда тайинлаб, бюджет маблағларини талон-торож қилганлар.

"Янгиҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Н.Толипов ва унинг жиҳноий шерикларининг "ҳотамтой"ликлари ҳаммамидан ошиб тушган. Улар мансаб маъқеларини суистеъмол қилиб, ҳўжжатларни қалбақилаштириш йўли билан 2009 йилнинг январь ойидан 1 декабрига қадар икки ёшгача болали оилаларга ижтимоий нафақа тўловлари бўйича 10,1 миллион сўм миқдориданги бюджет маблағларининг ноқонуний тўланишига йўл қўйиб, давлат газна-сига кўп миқдорда зарар етказганлар.

Ушбу ҳўлат юзасидан Н.Толипов ва бошқаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилди. Мазкур иш судда қўрилиб, айбдорларга қилмишларига яраша жазо тайинланди. Хуллас, жи-

ноятга жазо муқаррарлиги таъминланди, давлат бюджетига етказилган зарарларнинг айбдорлар ҳисобидан қопланиш чоралари қўрилди.

Бироқ, кишини масаланинг бошқа айрим жиҳатлари ўйлантиради. Мурғак болалар учун ажратилган маблағларни турли йўллар билан ўзлаштириб, жиғилдоғна урган қимсалар дунёда виждон азоби деган жазо ҳам борилигини, бу аслида ҳар қандай жазодан ҳам оғир эканлигини наҳотки тушунишмаган? Қолаверса, маҳалла фуқаролар йиғинига раислик қилиш ниҳоятда масъулиятли иш. Бу жой тасодифан ёки адашиб келиб қолганлар фаолият кўрсатадиган жой эмас. Маҳаллага бош бўлган киши турмушнинг турли синовларида тобланган, қатта ҳаётий тажрибга эга бўлган, адолатли иш тутадиган, одамларнинг бошини қовуштириш, яхши ташаббус ва ишларга руҳлантириш фазилатларини ўзида мўжасам этган бўлиши лозим. Ана шундай хислатларга эга бўлган инсонлар бош-қош бўлган маҳаллаларда оқоридаги қаби қонунбузарликларга йўл қўйилмайд. Аксинча, бундай маҳаллалар обод, уларнинг аҳолиси тинч-тотув ва фаровон ҳаёт кечирилади. Шу сабабли, маҳалла фуқаролар йиғинларига номзод кўрсатганда, уларни сайлашда ана шу жиҳатларга эътибор қаратиш лозимлигини яна бир бор ўйлаб қўриш зарур.

Ҳуқуқий онгги юксалтириш масалалари

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилаётган ҳозирги шароитда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият бўлган талаб тобора ортиб бормоқда.

Ҳуқуқий онг, билим ва маданиятга эга бўлиш жинси, тили, ёши, ирқи, миллати, эътиқоди, келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеидан қатъи назар Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун гоёт катта аҳамиятга эга. Юртбошимизнинг "Адолат, Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улук" номли асирида таъкидланганидек, "Ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш асосий вазифалардан бири бўлиши шарт. Токи, жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқини, ўз бурчини ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислохот, янгиланиш ҳақидаги барча сузларимиз, сазй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади".

Бинобарин, ҳуқуқий онг ижтимоий онг шакли сифатида намоён бўлади. Zero, авваламбор, одамнинг ижтимоий ҳаётини тушуниши, сезиши, унга муносабати унинг онгида юз беради. Онг, шунингдек, кишининг рухий, сиёсий, фалсафий нуктаи назарлари, диний, бадиий қарашларининг ҳам мажмуи ҳисобланади. Ижтимоий онг деганда ана шулар назарда тутилади.

Айни пайтда ижтимоий онгнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, одамлар улар ёрдамида атрофини ўраб турган табиатни, жамиятни ўрганадилар. Шу муносабат билан сиёсий, ахлоқий, эстетик, одобга оид, диний, ҳуқуқий онг шакллари ажратиб кўрсатилади.

Машҳур ҳуқуқшунос олим С.С.Алексеев ҳаётга позитив (ижобий) ҳуқуқий жорий қилган - кишилар ҳаётида етакчи мазмун касб этган ижтимоий тартибга солишининг махсус тури бўлиши қатъий талаб (императив)лар тўғрисидаги масалаларга мурожаат қиларкан, улар, умуман, ижтимоий онг, хусусан, ҳуқуқий онг махсули эканлигига ишора қилади ҳамда мураккаб муаммолардан бири эканлигини алоҳида уқтиради. У шундай ёзади: "Ахир инсон зоти пайдо бўлишининг илк даврлариданоқ табиий зарурат тақозосига қўра тартибга солиш кўринишлари (монономалар, уларнинг ажралиб турадиган таркибий қисмлари - ибтидоий ахлоқ, диний ақидалар, таққулаш ва мин этишининг бутун тизими) ибтидоий жамият шароитида кишиларнинг ҳамжамияти - уруғ, жамоа, жамоалар иттифоқи, жамоалараро муносабатларда бир меъёрдаги, тартибли ҳаётни таъминлашнинг тўлиқ удрасидан чиққан.

Шу тариха инсон зоти цивилизация шароитига кирди, кишиларнинг ҳаёти нафакат шифатсиз табиат зарурати ва ибтидоий жамиятнинг баъзи ижтимоий ташкилий унсурлари асосида, балки шахсий асосда (бунинг устига - вақт ўтиши билан янада кўпроқ) қурила бошлаган. Ҳаётнинг янги шароитлар самараси бўлган ва аксарият кишиларнинг ўзлари яратган хусусий мулк, бозор иқтисодиёти, илмий-техник та-

раққиёт, сиёсий ҳокимият, маънавий ҳаёт институтлари сингари ижтимоий ҳодисалар негизда барпо этилмоқда. Бунда жамиятнинг мураккаб ва бўшқин ўзгаришларга бой тизим сифатида мавжуд бўлиши, ўз вазифасини бажариши ва ривожланишини таъминлаш индивидлар, уларнинг бирлашмаларининг мустақил ақлий фаолияти билан боғланган ва ибтидоий жамиятга нисбатан бекиёс даражада юқори, аначина мураккаб (ва унча мустаҳкам бўлмаган) тартибдаги бир бутун организм эҳтиёжларидан келиб чиқадиган шароит назарда тутилмоқда".

Ягона ижтимоий онг шакллари билан бири сифатида майдонга чиқаркан, ҳуқуқий онг нисбатан мустақил бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча хилма-хил ҳуқуқий ҳодисаларини, яъни ҳуқуқий тизим, ҳуқуқий тартибга солиш, ҳуқуқ-тартибот ва ҳоказоларни акс эттиради.

Ҳуқуқий онгги мамлакат фуқароларининг ҳам амалдаги ҳуқуққа, юридик амалиётга, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари мажбуриятлари, ҳам орзу қилинган ҳуқуққа ва бошқа ҳуқуқий ҳодисаларга муносабатини ифодаловчи ҳуқуқий сезилар, ғоялар, баҳолар, тасаввурлар тизими сифатида таърифлаш мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ҳуқуқий онгсиз ҳуқуқ ижодкорлигини ҳам, ҳуқуқнинг ўзини ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Албатта, бу фикрдан ҳуқуқий онг ҳуқуқни яратди деган маъно келиб чиқмайди. Ҳуқуқ ҳуқуқий онг томонидан эмас, балки ҳаётдаги муайян иқтисодий шарт-шароитлар негизда яратилади. Ҳуқуқий онг эса бу жараёнда фақат воситачи, янги ғоялар асоси ва-зифасини бажаради.

Албатта, амалдаги ҳуқуқ ҳуқуқий онгга ўз таъсирини кўрсатади. Zero, бу ҳол фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақидаги, ҳуқуқ-тартибот тўғрисидаги тасаввурларини шакллантиради. Айни пайтда ҳуқуқий онг ҳам жамият манфаатлари йўлида ҳуқуқни қўллаш тажрибасини белгилаб берадкан, амалдаги ҳуқуққа таъсир кўрсатади, давлатнинг норма яратиш фаолиятини тақозо этади.

Шу маънода тўла асос билан айтиш мумкинки, ҳуқуқий онг ҳуқуқдан "олдин" ҳам бўлган, ундан "кейин" ҳам бўлади, қолаверса, у билан бир вақтда амал қилади. Аслида ҳуқуқий онг, биринчидан, ҳуқуқнинг жамият эҳтиёжларини ифодаловчи манбаидир. Иккинчидан, ҳуқуқни ҳаётга жорий этишининг зарур омиллардан биридир. Учунчидан, бизнинг ҳуқ-атворимиз ҳуқуқ нормаларига қай даражада мос келишини тушуниб олишимизга қўмаклашди, баҳолаш воситаси сифатида хизмат қилади. Бундан ташқари, айнан ҳуқуқий онг орқали ва унинг шарофати билан, дея таъкидлаган эди Гегель, қонун чиқарувчи "ўз даврининг руҳини пайкаб олади" ва уни ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттиради.

Ҳуқуқий онг ижтимоий онг турларидан бири бўлиб, унинг тўлиқ хусусиятларига эга. Ҳуқуқий онг ҳуқуқ тузилишини, унинг бошқа ижтимоий ҳо-

салар билан, шу жумладан: қонунчилик ва ундаги ҳуқуқий нормалар; юридик амалиёт, яъни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш бўйича ваколатли давлат органлари фаолияти, муайян ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш бўйича давлат идоралари, фуқаролар ва бошқа шахсларнинг фаолияти, қонунни бузишга қарши курашиш бўйича давлат ва жамият фаолияти кабилар турли алоқа ва муносабатларни ифода этади. Бундан ташқари, онг ҳуқуқнинг ижтимоий ҳодиса сифатида вуҷудга келиш ва ривожланиш тарихини, унинг тараққий этиш жараёнида босиб ўтган босқичларини гавдалантиради.

Ҳуқуқий онг мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Субъектлар нуктаи назаридан ҳуқуқий онг, одатда, индивидуал, гуруҳий ва жамоавий (оммавий), онгга бўлинади. Шу ўринда ҳуқуқий онгнинг индивидуал ва ижтимоий шакллари кенг тарқалганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Индивидуал ҳуқуқий онг - бу ҳар бир шахс, алоҳида инсонга хос ҳуқуқий билимлар, баҳолар, ҳиссиётлар ва туйғулар мажмуи ҳисобланади. Индивидуал ҳуқуқий онг доимо ноёб ва бетакрордир. Ҳар бир инсон билиш қобилиятлари, шахсиятнинг турли психологик турлари оқибатида амалдаги ҳуқуқни ўзича қабул қилади, уни баҳолайди, қонуний ёки қонунга зид равишда ҳатти-ҳаракат қилиш истганини билдиради. Ҳатто бир хил шароитда ўқийдиган юридик олий ўқув юртлири талабалари турли ҳуқуқий онгга эга бўлишлари мумкин. Масалан, баъзи талабалар ҳуқуқ билимга эга бўлса, бошқалари ўртача билимли бўлади. Айрим талабалар жамиятда амал қилаётган ҳуқуқ-тартиботни қўллаб-қувватласа, бошқалари бетаъриф ёки тексари муносабатда бўлади, учинчилари эса танқид остига олади ва ҳоказо.

Индивидуал ҳуқуқий онг фуқаролар томонидан юридик аҳамиятга молик ҳатти-ҳаракатлар содир этилганда, ҳуқуқ ва эркинликлар амалга оширилганда, қонунинг манфаатлар ҳимоя қилинганда, турли кўринишдаги ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрланганда яққол намоён бўлади.

Касб-кори ҳуқуқшунос бўлганларнинг ҳуқуқий онг қарор лойиҳалари, буйруқ, ҳукм, ажрим каби ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрланганда, ҳуқуқшунос-олимларнинг индивидуал ҳуқуқий онглари эса монография ва рисолалар, мақола ва диссертация ишлари ва ҳисоботлар тайёрлаганларида рўёбга чиқади.

Ижтимоий ҳуқуқий онг жамият ёки унинг алоҳида ижтимоий табақалари, синфлари томонидан илгари суриладиган ҳуқуқий тасаввурлар, тамойиллар, тушунчалар, назариялар, ҳиссиётлар йиғиндисидир. Ҳозирги жамиятнинг асосий ҳуқуқий тамойиллари сирасига мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, иқтисодий, сиёсий, адабий, илмий ва бошқа ижодий фаолиятнинг

Улуғбек МАМАДЖАНОВ,
ОЎК етакчи мутахассиси

тенг ҳуқуқлилиги, инсонпарварлиги, эркинлиги, қонун устуворлигини тан олиш кабилари киритиш мумкин.

Алоҳида ижтимоий қатламларнинг ҳуқуқий онги моддий ва маънавий бойликларни ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этишига, бу бойликларни тақсимлаш ва истеъмол қилиш усулларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Ижтимоий қатлам ва синфларнинг ижтимоий ҳуқуқий онги фаол ҳаётда жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, ижтимоий қатлам, синф мафкурачиларининг илмий ва илмий-оммабоп нашрларида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали ва бошқа шаклларда намоён бўлади.

Агар ҳуқуқий онг савияси нуктаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, у ҳолда бу жиҳатга кўра одатий, илмий ва профессионал (касбий-маलाкий) ҳуқуқий онг турларига бўлинади.

Одатий ҳуқуқий онг бевосита одамларнинг ҳаётий шарт-шароитлари, уларнинг ҳаётий тажрибалари асосида шаклланади. Унда руҳий элементлар - ҳиссиётлар, эҳтирослар катта роль ўйнайди.

Профессионал ҳуқуқий онг - профессионал ҳуқуқшунослар, яъни махсус маълумот ва тайёргарликнинг амалий тажрибаси талаб қилинадиган касб эгалари ҳуқуқий онгидир. Ҳуқуқшунослар учун ҳуқуқий тайёр-

гарлик катта аҳамиятга эга. Бу тайёргарлик, албатта, ҳатто қонунга сўзсиз итоат этувчи фуқаролар даражасидан анча юқори бўлиши, ҳуқуқ тамойиллари ва нормалари бўйича билимларининг кенг қўламлилиги, теранлиги, расмийлаштирилган моҳияти билан ажралиб туриши, онг муҳими эса - улар ҳақиқатан ҳам шу билим ва кўникмаларини амалиётда қўллаш олиш қобилиятига эга бўлишлари лозим.

Юридик маълумот бу ерда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлишига қарамай, профессионал-юридик фаолиятга бўйсунувчи белги сифатида амал қилади. Юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда, профессионал ҳуқуқшуносларнинг онги сиёсий, ҳуқуқий қарашлар, билимлар, ҳис-туйғулар, қадриятлар ва ҳуқуқий онгнинг бошқа таркибий қисмларини ташкил қилувчи тизимлари сифатида намоён бўлади.

Энди фуқароларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш масалаларига келсак тўғри, барчани бирдек юридик факультетларда ўқитиб, уларга юридик маълумот бериб бўлмайди. Бунинг ҳолати ҳам йўқ, аммо олий ўқув юртлири факультетларининг ҳар бирида замонавий ҳуқуқ масалалари ўқитиладиган курсларнинг жорий этилиши фойдалан ҳоли бўлмас эди. Олий ўқув юртлирини битирмаган, чорвачилик, деҳқончилик ёхуд бошқа соҳада ишлайдиган аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтириш учун эса, радио, телевидение, газета ва журналларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш, ҳуқуқшунос олимларнинг тез-тез жойларга чиқиб, жонли мулоқотлар, савол-жавоб кечалари уюштиришлари мақсадга мувофиқ бўлар эди. Zero, ҳуқуқий онг ривожланган, қонунни билган кишилар қонунбузарликка йўл қўймайди.

Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига руҳсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилиш руҳсат бериш, қаластр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашга қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки «007» қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371 232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти	Код: 8371 233-84-20
3.	Аншежон вилоят прокуратураси	Код: 8374 224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365 223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372 226-09-62
6.	Қашқадарь вилоят прокуратураси	Код: 8375 221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361 222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436 225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369 226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366 235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367 223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376 223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371 273-74-81
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371 277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373 224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362 227-45-71

Бундан ташқари фуқароларнинг илтимос ва мурожаатларини қўналдик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Абдурашид янги келган меваларни яшиқларга жойлади-да, Рамазоннинг ёнига келиб ўтирди.

— Ҳа, ака, чарчадингизми?
— Чарчаш қаёқда, Рамазон? Иш қўп. Кўрмайсанми, кетмакет мол келиб ётибди.

— Яхши-ку! Савдо яхши бўлаётган бўлса, шунга яраша фойда ҳам қилаётган экансиз-да!

— Нимасини айтасан. Аммо қўл билан берганга қуш ҳам тўймас экан. Иш қўп-ку, шунга яраша даромаднинг мазаси йўқроқ. Ўзингда нима гап? Гуштни чопиб, сотиб ётибсанми?

— Нолмайман ака. Чидаса бўлади. Фақат нақдрок тушиб турса бунданам зўр бўларди-да. Айтмоқчи, бир гапдан хабарингиз борми? Дўконни ҳўжайини опа бор-ку, ўша ёнимизда жойлашган уйдан квартира сотиб олмақчи эмиш. Мабодо эшитмадингизми?

— Йўқ. Сотиб олса, нима қилибди?

— Шу гапни эшитганимдан бери бир фикр ҳеч тинчлик бермапти. Биласизми, ўйининг нархи қанча экан? Кўкида 12 минг. Агар шу пулни қўлга киритсак борми? Ҳ-ҳ-ҳ!

— 12 минг кичкина пул эмас-ку-я, аммо қанча қилиб қўлга киритамиз?

— Бунисини менга қўйиб беринг...

Шу кундан бошлаб Рамазон билан Абдурашид асосий дўконга тез-тез кириб, ўйини сотиб олиш ҳақида эканлиги ҳақида сўраб-суриштиради, ўша ўйининг атрафтини айланиб, кириб-чиқиш йўлларини ҳам ўргана бошлашди. Бу орада Рамазон оғайиллари Ҳусниддин ва Санжар билан учрашиб, тузган режаси билан таништирган эди, улар дарҳол рози бўлишди. Кейинчалик танишлари Мухаммаддон билан Бахтиёрни ҳам "иш"га жалб этди.

Уч-тўрт кундан кейин, Рамазон Абдурашиднинг шериклари билан таништирди. Жамоат ҳам бўлгач, Рамазон ўйи ағаси хонадонни сотиб, пулни олганини эшитганлари заҳоти унингга бостириб кириб, долларларни олиб қўйишни режалаштиргани ҳақидаги таклифни ўртага ташлади.

— Ўзи бир алхаш одам бўлса... Шунча пулни нима қилади? Биз Абдурашид ака билан хабардор бўлиб турибмиз. У пулни олди деган хабар бўлиши билан сизларни чакирамиз...

Унга деярли ҳеч ким эътироз билдирмагач, тарқалишди. Уч кун ўтгач, Ҳусниддин билан Санжар Абдурашидга кўнгирак қилиб, янгилик бор ё йўқлиги ҳақида сўрашдида, ундан ҳозирча тинчлик эканлигини эшитиб, бирор гап бўлса, бе-хабар қолмаслиқни илтимос қилишди. Абдурашид шу заҳоти Бахтиёрга телефон қилди.

— Бахтиёр, ҳозирок Мухаммаддонни олиб, "Бешчинор" кафеси ёнига етиб келларинг. Гап бор.

Йигитлар у айтган жойга етиб келишлари билан, Абдурашид гапни чўзиб ўтирмай, мақсадга қўчди:

— Менга қараларинг. Эрта-ми-индинга Соколов ўйини расмийлаштириб, пулни олади. Шунинг учун тайёр туришимиз керак. Яна бир гап: агар ҳўп десаларинг, Рамазон билан шерикларини "иш"га қўшмаймиз. Ўзларинг ўйлаб кўрларинг, ахир ўша пулни қўлимиз бўлиши олганимиз яхши эмасми? Одам қўпайтириб нима қиламиз?

Бу таклиф Бахтиёр билан Мухаммаддонга ҳам маъқул бўлди. Абдурашид ўзи хабар

Жаҳолат

Олимхўжа НАБИЕВ,
Бш прокуратура бошқари
бошлиғи

беришини айтиб, уларга жавоб берди. Эртаси кун, яъни 24 май кун, тушликдан кейин Рамазон кўнгирак қилиб, ўйининг олди-сотди шартномаси имзоланганлигини айтган эди, Абдурашид ёнида одамлар борлигини учун гаплаша олмаслигини билдириб, гапни қисқа қилдида, шу заҳоти Ҳусниддинга телефон қилди.

— Ҳусниддин, "иш" икки-уч кундан кейинга қолдирилди. Шунинг учун кутиб туришга тўғри келди.

— Яхши, фақат бир нарсани айтиб қўй, шу Мухаммаддонга унча ишонмайман. Қўлдан ҳеч қанча иш келмайдиган кўнгирак, Илоҳи бўлса уни қўшмайлик.

Абдурашид ўйлаб қўришини айтганидан кейин қўп ўтмай, ўйининг ёнига сизда турган Мухаммаддоннинг телефони жиринглаб қолди. Ҳусниддин экан. У энди Мухаммаддонга Абдурашиднинг ёмонлай бошлади. Мухаммаддон у билан гаплашиб бўлгач, Абдурашидга юзланди:

— Абдурашид ака, буларни "иш"га қўшмаймиз деганингиз тўғри экан. Қаранг, ўн минутда сизни менга, мени эса сизга ёмонлади-я!

— Шунча ука, яшайверсанг, бунақаларнинг ҳали қўлини кўрасан. Бўлмаса, гап бундай: бугун кечқурун "Бешчинор" ёнида учрашамиз. Бахтиёрга ҳам айт, кеч қолмасин. Айтмоқчи, "ов"га қанча қурол тайёрлаб қўйдинг?

— Ўша, сизга айтганим, пневматик пистолет, электрошок, ҳар эҳтимолга қарши пичоқни ҳам тайёрлаб қўйганман.

— Яхши, уларни ўзинг билан олволишини эсиндан чикарма. Кечқурунчага хайр...

Катя нотариусдан чиқиб ўйинга келганидан кейин дарҳол дўгонаси Валияга кўнгирак қилди:

— Валия, нотариусдаги ишлар ҳам битди, ўй ҳам сотилди. Ҳа, амаким билан пулни қолган қисмини ҳам олдик. Энди ўйини бўлаштиш керак. Нарсаларимни йиғиштиришга ёрдам бермоқчи эдинг. Эсинг-дими? Қачон келасан? Қизчанг-нимми? Унйам олиб келавар.

Қўп ўтмай Валия уч яшар қизчаси билан кириб келди. Ўйини йиғиштиришга берилиб кетган икки дўгона, кеч қирганини ҳам билмай қолди. Шундан кейин овқатланишга ўтириб, ўйининг сотилиши муносабати билан оз-оздан ичишди. Шу пайт эшик тақиллаб, Катянинг Алла исмли дўгонаси кириб келди. Ўтириш яна давом этди. Валия бу сафар кўнгирак ичиб юборди шекилли, маст бўлиб қолди. Алла улар билан бироз ўтиргач, бир танишга учрашишни зарурлигини айтиб, чиқиб кетди.

У кетиши билан ўйи бекасининг яна бир таниши, Семён пайдо бўлди. Ярим соатлар ўтиришгандан кейин Катя эрта-индин Россияга қўчиб кетишини, шу боис охириги марта тўғри пойтахтни томоша қилиш ниятида эканлигини айтиб, Семёндан машинада сайр қилдиришни илтимос қилди. Йигит бахонидил рози бўлди. Улар чиқиб кетишгач, Валия билан қизи ухлашга ётишди. Катя би-


лан Семён шаҳарни озроқ айланишгач, йўл-йўлакай Алланинг олдида бориб, уни ҳам машинага ўтказиб олишди. Бироздан кейин уларга пул керак бўлиб қолди-ю, Катя Семёндан ўйинга хайдашни сўради. Машина ўйга яқинлашганда, шу атрафда тўхтатишни сўраб, тезда чиқишини айтганча ўйи томон югургилаб кетди...

Кеч соат 21:00 ларда қаҳвахонанинг ёнида пайдо бўлган йигит нимадандир безовта бўлганча, гоҳ телефонидаги соатга қараб, гоҳ атрафни кузатиб босиб, кимидир сабрсизлик билан кутаётгани аниқ эди. Қўп ўтмай бу ерга хоризк автомобиласи келиб тўхтадида, ундан Мухаммаддон билан Бахтиёр тушушди. Йигит шу заҳоти уларга пешвоз чиқди. Улар ҳали сўрашиб улгурмасларидан Абдурашид ҳам етиб келди. У келганлар билан салом-алик қилар экан, бегона йигитга қўзи тушиб, савол назари билан Мухаммаддонга қаради. Мухаммаддон: — Абдурашид ака, бу оғайини Абдулла, — деди-да, уни бир четга имлади: — Уни ҳар эҳтимолга қарши чақирдим. Жуда бўлмаганда ўйининг ёнида кўз-қулқ бўлиб турар.

— Ишончи-болми ўзи?
— Бўлмасам-чи! Биласизми, биз учун энг фойдали томони, арзимаган пулга ҳам рози бўлди.

— Майли, аммо билиб қўй. Салгина ишқали чиқса ўзинг жавоб берасан. Бўлмаса, кетдик. Бирор жойда ўтириб, овқатланай олайлик. Кейин ишга киришамиз.

Йигитлар Мухаммаддоннинг машинасида, бу ерга унча узоқ бўлмаган ерда жойлашган қаҳвахоналардан бирига боришдида, тамадди қилишгач, газ қўйиш шохобчасига ўтишди. Автоматининг "заправка" қилиб чиққанларида, соат тўнги 1:00 бўлган эди. Мухаммаддон машина рулини Соколовнинг ўйи томон буриб, газни босди. Улар манзилга етиб келганларида, кўча қимсасиз бўлиб, бундан босқинчилар анча енгил тортишди. Машинани уйдан унча узоқ бўлмаган жойда қолдирушди-да, қўнанинг бошига Абдулларни қўриқчи этиб тайинлаб, ўзлари хонадоннинг ёнига келишди. Бу пайтда Мухаммаддон пневматик пистолет, Абдурашид пичоқ, Бахтиёр эса элетрошокер билан қуролланиб олишган эди. Абдурашид вақтни ўтказмай, пичоқ билан ромдан ойнани ажратишга киришди. Орадан ярим соат ўтар ўтмай, кўча бошида турган Абдулла улар томон аёл киши келаётгани ҳақида хабар қилди. Шериклар шу заҳоти ўзларини қоронғиликка олишди. Аёл эшигининг ёнига келиб, энди ўйининг қалитини олмақчи бўлган ҳам эди, ўзи томон келаятган шарпаларни кўриб, довдираб қолди. У нима гапни сўрашга ҳам улгурмади. Кучли қўллар оғзини ёпгани ҳамон, шарпалардан бирининг қўлида нимадир "эр-р" этди-ю,



баданида оғрик аралаш, кучли тебраниш сезиб, жон-ҳолатда бақириб юборди. Босқинчилар бунни кутишмаган эди. Шу боис Абдурашид ўйлаб ҳам ўтирмай, аёлнинг биқинига пичоқ санчди. Сўнгра шоша-пиша ўйининг сумкасида қалитни олиб, эшикни очишдида, ўзларини ичкарига уришди. У ерда Катянинг қўл-оёғи билан оғзини боғлаб, пул ахтара бошладилар. Ичкаридан Валия билан қизининг йиғлаган овози эшитган Катя ётган жойда қимирлай бошлаган эди, бошига кучли зарба тушиб, ҳушини йўқотди...

Тавба, пулни олиб чиқиш шунчалар қийинми? Ўйга кириб кетганига ярим соатдан ошди-я! — Семён Катянинг чиқмаётганидан ҳайрон бўлиб ўйининг қўл телефонида кўнгирак қилди. Ҳеч ким жавоб қилмагач, Аллага қараб келишини айтиб, машинадан тушди. Ўй олдида келиб, ойнани тақиллатди. Жим-жит. Шу пайт ичкаридан инграш овози эшитилгандек бўлди. Бундан сергак торган Семён ичкарига мўралади. Унинг нигоҳи аввало йиртилган пардаларга тушди. Шунингдек, гарчи ичкари анча қоронғу бўлса-да, ўй ичида юрган шарпаларни илғаш унга қийинчилик туғдирмади. Чақириб кўрган эди, яна ҳеч ким жавоб қилмади. Шундагина у қўнгилисизлик бўлганини сезди ва шонганча машинаси томон югуриб келиб, уни ўт олдириб-да, ҳайдаб Катянинг эшигига тақаб қўйди. Алланинг "Семён, нима гап? Нима унақа қилаёлсан? Катя қани?" каби саволларига "Жим ўтир. Ичкарида нимадир бўлаяпти" дея жавоб қилди.

Ташқаридан кимдир келиб, ўйи эгасини чақирган пайтдаёқ босқинчилар саросимага тушиб қолишган эди. Устига-устак, ўша чақирган одам машинасини кириб эшигига тақаб қўйгач, бутунлай довдираб қолишди. Аммо тезда ўзларини ўнглаб олиб, тапир-тапир ташқарига отилишди. Ичкаридан биричи бўлиб айвонга отилиб чиққан Мухаммаддон пневматик пистолет билан машинанинг олд ойнасига ота бошлади. Бунни кўтмаган Семён машинасини орқага олди. Бироқ, босқинчилар қочиш ўрнига машинани ҳар томондан ўраб ола бошладилар. Семён улардан оson-лика қутула олмаслигига қўзи етгач, бор кучи билан газни босиб, сигнални чала бошлади. Бунчалик шовқин-сурон кўтарилишини кутмаган босқинчилар шу заҳоти қочиб қолишди. Семён машинани тўхтатида, ичкарига югурди. У ердан қонга беланган Валия билан қизини топди. Қизга қараб туришни Аллага тайинлаб, ўзи Валияни машинасига олиб чиқди-да, касалхонага олиб борди. У ердан эса милицияга хабар қилди...

Катя ўзига келганда ўй жим-жит эди. Боши лўқиллаб оғриб, биқинидаги жароҳатдан ҳам қон оқарди. У бир амаллаб, оёғини озгина бўшатди-да, сирғала-сирғала очиб эшикдан ташқарига чиқди. Рўпарасидаги қўшисининг эшигига яқинлашиб, бор кучи билан тепа бошлади. Қўшни аёл эшигини очди-ю, қўл-оёғи боғланган Катяни кўриб, қотиб қолди. Дарҳол уни ечиб, ичкарига олиб кирди. Сўнгра касалхонага хабар берди...

Босқинчилар воқеа жойидан анча узоқлашганларидан кейин тўхтаб пулларни санаб қўришган эди, 4500 АҚШ доллари чикди. Бунни қарангки, Мухаммаддон йўл-йўлакай шерикларининг қўзига чўп тикишга улгурган экан. Аслида босқинчилик билан қўлга киритилган пуллар 5700 доллар бўлиб, Мухаммаддон тўхтатиларидан олдинроқ 1200 долларини олиб, яшириб қўйган эди. Хуллас, у "даромад"ни унча бўлиб, шерикларига улушларини берди. Кейин қоровуллик қилгани учун уларнинг ҳар бири Абдуллага юз доллардан беришди. Уйдан қўлга киритилган уяли телефонларни қўчага ташлаб юборишди-да, ўй-уйларига тарқалишди.

Шум хабар эртасигаёқ қоратрофга тарқалди. Бу ҳақда биринчилардан бўлиб эшитган Рамазон шу заҳоти Мухаммаддонга кўнгирак қилиб, уни чақирмай, "иш"ни бажарганликларини учун ҳафа бўлиб, ўзининг улушини талаб қилди. Аммо Мухаммаддон ҳеч нарсадан хабари йўқлигини айтгач, қўп ўтмай Абдурашидга телефон қилиб, ундан ўзининг ҳақини сўради. Бироздан кейин эса, Ҳусниддин телефон қилиб, у ҳам режани тузишда қатнашганлигини рўқча қилиб, агар унга озроқ бўлса-да пул беришмаса, сотишини айтиб, пўпаса қилди. Табиийки, шериклар босқинчилик қилганликларини тан олишмади.

Шифокорларнинг ўз вақтида қилган сай-ҳаракатлари туфайли Е.Соколованинг ҳаёти сақлаб қолинди. Аммо ўйининг меҳмони бўлиш В.Кулагина касалхонада вафот этди. Жорий йилнинг октябр ойида ушбу жиноят иштини кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди айбланувчиларнинг ҳар бирига қилмишига яраша жазо тайинлади. Албатта, ушбу жиноят ишида қатнашмаган бўлишса, уни амалга ошириш учун режа тузишда бевосита қатнашган Рамазон, Ҳусниддин ҳамда Санжарлар ҳам жазодан бебаҳра қолмай, ўз "улуш"ларини олишди.

Нафс балоси курсин! У не-не одамларни ўз нағмасига ўйнатмайди, дейсиз. Бу бало кўйига гирифтор бўлиб, алал-оқибат юзи қаро бўлганлар қанчадан-қанча. Бироқ уларнинг аянчли қисматидан фақат ақл-идрокли кишиларгина ибрат олади, холос.


Наманган шаҳридаги 2-Тиббиёт коллежи она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Нўмонжон Иномов ҳам нафсининг қулига айланиши оқибатида бугун қора курсида ўтирибди. Аслида бундай бўлмаслиги ҳам мумкин эди, бироқ...

2010 йилнинг 9 июль куни коллеж ховлисида ҳамкасби Баҳодирнинг бир киши билан гаплашиб турганини кўрган Нўмонжон, уларнинг ёнига борди. Сўхбатдан ўша одам, яъни Ҳалимжон Тожибоев ўли Хикматиллани шу коллежда ўқишга киритмоқчи экани маълум бўлгач, Нўмонжоннинг фикри бузилди. "Менимча, бу бирорта таниш қидириб келган кўринади. Ўзим унга ёрдам беришим мумкинлигини айтсам бўлармикан..."

— Бу ерда бирор танишингиз борми? — у шундай хаёл билан аста Ҳ.Тожибоевнинг кўнглига қўл солишга киришди.

— Йўқ-да, — тўғриси-ни айтиб қўя қолди Ҳалимжон. — Ҳозир шу ҳақда гаплашиб тургандик. Агар ўқишга жойлай

Нафс кўйидаги кимсалар



олиш қўлидан келадиган бирор киши бўлса...

— Ўша киши мана, биз-да! — тантилик билан қўлиб қўйди Нўмонжон. — 600 доллар берсангиз, ўғлингизнинг ўқишга киришига 90 фоиз гарантия бор!

— Вой-бўй! — шунча пулни эшитиб, Ҳалимжон кўриб кетди. — Бироз қамайтиришнинг иложи йўқми?

— Яна ҳам сизга инсоф билан айтаямиз, ака, — жавоб қилди Нўмонжон. — Бир ўринга 5-6 нафардан абитуринент тўғри келяпти. Қамайтиришнинг сира иложи йўқ...

— Яхши, мен бир-икки кун ичида сизга қўнғироқ қиламан!

— Ҳалимжон шундай дея Нўмонжоннинг қўл телефони рақамини олиб, хайрлашди.

У кетгач, Нўмонжон ўқишга киритиш ваколати бўлмагани боис коллежда комедант бўлиб ишловчи Абдусалом Даминовни қидириб кетди. Чунки унинг бундай ишларни ими-жимиди битириб бериши ҳақида эшитганди.

— Пулни олиб келаверсинчи, кейин гаплашамиз, — деди у Нўмонжоннинг муддаосини англагач.

Орадан уч кун ўтгач, Ҳалимжон Нўмонжонга қўнғироқ қилди:

— Домла, бир миллион сўм топдим-у, долларга айлантира олмадим. Ҳозир сизга олиб бориб берсам бўлаверадими?

— Йўқ, доллар олиб келинг, — жавоб қилди Нўмонжон. — Фақат тезроқ, яна иш орқага тортиб кетмасин...

14 июль куни Ҳалимжон билан Нўмонжон қўнғироқлашгач, "Жаҳон бозори" худудига учрашишди. Домла 600 АҚШ долларини олган ҳам эди, қаердандир ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари пайдо бўлиб, уни қўлга олишди. У аввалига қил-мишини тан олмай, ўзини ҳар қўйга солиб кўрди. Бироқ махсус ишлов берилган пулларида белгилар ҳамда қўлидаги изларни кўргач, таслим бўлди.

— Мен бу пулнинг 100 долларини олиб, қолганини комедантимишга беришим керак эди, — у ниҳоят тўғриси-ни айтишга мажбур бўлди.

Нўмонжон коллеж қорловулхонасида А.Даминовга 500 АҚШ долларини бергач, у ҳам қўлга олинди. Шу тариқа нафс қулига айланган икки кимсга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукми билан улар жа-

Мирзодиёр ДУСМУРАТОВ,
Наманган вилоят прокуратураси
бўлим катта терговчиси
Нилуфар НИЁЗОВА,
«Huquq»

воғбарликка тортилди.

Аслида бу жиноят мисолида баён этилган воқеа ҳеч кимга янгилик эмас. Чунки қабул бошланиши билан "Оғирингизни енгил қилишга тайёрмиз", қабилидаги ваъдалар билан кишилар ишончига қилиб, пулига қўз тикадиган кимсалар ҳаракатга тушиб қолишди. Соддалик-да, ўтган йили қўллаб юртдошларимиз ана шундай "ҳожатбарорлар"га чўв тушиб қолганини эшитган бўлишса-да, "Бу менда такрорланмайди?" қабилида иш кўришади. Бу эса бировларнинг кимсасига қўз тиккан ғаламисларнинг тегирмонига сўв қуяди. Оқибатда эса...

Ушбун езишдан мурод, кишиларни яна бир бор огоҳликка қақаришдир. Зеро, ҳеч кимга бировнинг пули буюрмаган, буюрмайди ҳам. Буни унутганларнинг эса юқоридаги икки кимса сингари юзлар-и шувут бўлиши шубҳасиз.

«У ерда пул кўп»

Хотин чет элда, эр уйда ўтирадиган замон бўлдимиз, билмадиг-у, Чўлли хотинини Россияга ишга жўнатиб қўйиб, ўзи уйда фарзанд тарбиясига масъул бўлиб қолди. Ҳозир бу каби ҳолатларга одамлар хайратланмай ҳам қўйишди. Агар бу воқеа ўн йил, йигирма йил олдин содир бўлганидими?

Хуллас, Лола бир кун эри Чўллага телефон қилиб: "Менга иккита қиз бола керак. Топиб, олдимга жўнатсангиз", деб қолди. Орадан бир-икки кун ўтгач, Лола яна қўнғироқ қилди:

— Сизга жомбойлик дугонам Гудьера иккита қиз топиб беради. Мен уларнинг йўлқирасини сизга юбораман. Сиз Гудьерага хизмати учун 300 минг сўм пул берасиз.

Шундан қилиб Чўлли Гудьера билан учрашди. Аёл унга иккита қиз тоғганини айтиб, уларни таништирди. Қизлардан бири Нилуфар Самарқанд шаҳрида, унинг дугонаси Дилфуза эса Самарқанд туманида яшаркан.

— Хотиним сизларга Москва шаҳридан яхши иш топиб беради. Ҳамма шароитлари бор, ҳеч нарсасга муҳтожлик сезмай-

Улугбек ЭГАМБЕРДИЕВ,
Самарқанд транспорт прокуровори

Қизлар унинг гапларидан хайратланиб, бир-бирларига қараб қолишди.

Аммо Гудьера бунга аҳамият бермай, — Сизларни бу ерда қўп ушлаб туролмайман, шунинг учун бугун Чўллинг уйда тунайсизлар. Эртага у аэропортга кузатиб қўяди, — дея уларни Чўллинг уйига бошлаб келди. Қизларни Чўллага топширган аёл, "хизмат ҳақи" сифатида ундан 300 минг сўм пул олиб кетди.

Чўлли қизларнинг қалди-қоматидан қўз узмай, улардан олдин ҳам эркаклар билан бирга бўлишган ёки йўқлигини сўради. Унинг гаплари қизларни янада қўрқувга солди. Улар бир амаллаб тонг отишини кутишди.

Эрталаб қизларни Самарқанд халқаро аэропортига олиб борган Чўлли уларни йўлга кузатиб, ўзи бир четда қўлиб турди. Пайтдан фойдаланган қизлардан бири аэропортдаги милиция ходимларига бўлиб ўтган воқеа ҳақида гапириб, ундан

Уч оғайни ўғриллар

"Барча кашфиётлар ичида энг гўзали яхши тарбия олган инсондир", деган экан файласуф Эпиктет. Чиндан ҳам инсон болалигидан қандай муҳитда ўсиб, тарбияланса, нимага ўрганса, ҳаёти давомида шунга амал қилади. Шунинг учун ҳам фарзанд тарбияси учун аввало ота-она, мактаб, қолаверса, маҳалла-қўй масъул ҳисобланади. Қаровсиз қолдирилган боланинг келажагидан эса умид қилиб бўлмайди.

Яқинда Бухоро шаҳар судида қўрилган бир жиноят ишининг тафсилоти билан танишсангиз, бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз.

Қора курсида ўтирган Ф.Қиёмов 19, М.Илёсов 21, Р.Жалолов эса 22 ёшдаги йигитлар (исм-фамилиялар ўзгартрилган). Бу ёшдаги йигит-қизларнинг юраги ўқиш ёки сеvimли касб-хунарни эгаллаш иштиёқида гупуриб турган бир пайтда, бу йигитларнинг тақдирини ўзгача. Уларнинг айби ўзaro жиний тил бириктириб, ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилишганили билан изоҳланади.

Айланувчилар 2010 йилнинг 5 май куни ярим тунда Бухоро шаҳридаги А.Сомий кўчаси 5-уй олдида турган "Нексия" машинасининг олд томон эшигини темир мослама билан очадилар ва салондаги "Пионер" русумли магнитофонни ўмариб, воқеа жойидан яширинадилар. Натижада фуқаро Б.Қиличевга 200 минг сўмлик зарар етказилади.

Орадан беш-олти кун ўтгач, навбатдаги "операция"га қўл уришди. Бу сафар шаҳардаги "Шарқ-1" да-

Жасур ТАҒРИЕВ,

Бухоро шаҳар прокурорининг ёрданчиси
Лолахон МАНСУРОВА, журналист

ҳаси 7/2 уй олдида турган, фуқаро С.Турдиевга тегишли "Нексия" русумли автомашинанинг юқонасини бузиб, захира гилдираги ҳамда автомашини кўтаргичи (домкрат)ни "хамирдан қил суғургандек" олишди-да, қочиб қолишди. Йўл-йўлаккай, фуқаро М.Болтаевнинг "Нексия" автомашинасини ҳам "тинтув" қилишга улгуришади. Шундай қилиб, бу автоуловнинг ҳам захира гилдираги билан кўтаргичи ўзининг янги "эга"ларини топди.

Уч оғайни булар билан қониқшмайди. А.Жомий кўчаси 18/3 уйининг олдидаги Ж.Шокировага тегишли "Нексия" автомашинасининг захира гилдираги билан кўтаргичини ҳам ўмаришгач, Рустамнинг автомашинасига юклашади. Рустам эса бу молларни уйига киритиб қўяди.

15 май куни ИИБ ходимлари ўғирликда гумон қилинган йигитларни ҳибсга олишди...

Ҳукм ўқилди. Судланувчилар Раҳмат Жалолов, Фазлиддин Қиёмов, Мизроб Илёсовлар ЖКнинг 169-моддаси 3-қисмининг "а" банди билан айби деб топилди, уларга нисбатан тегишли жазо тайинланди. Жабранувчиларнинг буюмлари эгаларига қайтарилди.

Ўғирлик содир этиб, бугун қилмишига яраша жазого тортилган йигитлар панжара ортига равон бўлишди. Энди улар ўз қилмишларидан афсусда.



ёрдам сўради. Шундай қилиб, аэропортдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг тезкор ҳаракатлари билан Чўлли қўлга олинди.

Қизларнинг ҳушёрлиги уларни жirkanч манзиллардан асраб қолди. Мўмай даромад илжинида уларни фоҳишалikka юбораётган Чўлли Норов суд ҳукми билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Унга шерик бўлган Гудьера Тўхтамишовага 2 йил синов муддати белгиланди.

Мўмай даромадли ишни эшитган қизлар Чўллинг гапларига лакча тушиб, унга паспортларини беришди.

Қизлар топилиганини эшитган Лола эрига банк орқали 650 АҚШ долларини жўнатди. У пуллари олгач, "Самарқанд-Москва" йўналишидаги авиарейсга иккита чипта сотиб олди. Гудьера бўлса, шу йилнинг 23 март куни "Тайёрланиб келингллар, эртага йўлга қақасизлар" дея қизларни уйига чақирди.

Нилуфар ва Дилфуза йўлга тайёргарлик қўриб, Гудьеранинг уйига келишди.

— У ерда эркаклар сизларга яхши пул тўлашади, — деди аёл гап орасида.

DORI
DARMON

«ДОРИ-ДАРМОН» АК



Ҳамкасблар эъзози



Прокуратура фахрийси Ҳамза Нўмонов табаррук 70 ёшни қаршиламоқда. Ҳамза ака меҳнат фаолияти давомида Андижон ва Фарғона вилоятлар прокуратуралари тизимида туман ва шаҳар прокуратураларида терговчи, прокурор ёрдамчиси, вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, катта терговчи, Фарғона туман прокурори лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Ҳамза Нўмонов 36 йилдан ортиқ умрини Андижон ва Фарғона вилоятларида эл-юрт тинчлиги ҳамда оқсоғи-талиғини таъминлаш, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга бахшида этиб, жамоатчилик ҳурматиға сазовор бўлди.

Меҳнатсеварлиги, теран билими, шоғирдларига ғамхўрлиги, самимийлиги билан ҳамкасбларининг эъзозига мушарраф бўлди. Изланувчанлиги, ташаббускорлиги, бурчга садоқати, фидойилиги билан маъмурий орган ходимлари орасида ҳурмат қозонди.

Ҳамза ака ҳозирги вақтда Ўзбекистон прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази Фарғона вилояти бўйича ҳудудий бўлими раиси лавозимида фаолият кўрсатиб, умрини мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга бахшида этган нурионийларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида иш олиб бормоқда.

Ҳамза аканинг кўп йиллик меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча мартаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Ҳамза Нўмонович, кулгун 70 ёшингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сийҳат-саломатлик, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-оқсоғишлик, файзу барака тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

Матбуот анжумани

Куни кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Тошкент Давлат юридик институти ҳамда "Маҳалла" хайрия жамғармаси Марказий кенгаши ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган "Конституция маҳалла институти фаолиятини ташкил этишининг бош ҳуқуқий асоси" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Тошкент давлат Юридик институтининг профессор-ўқитувчилари, талабалар, Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси вакиллари, Тошкент шаҳар туманларининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) иштирок этдилар.

Тадбирдан қўзғалган асосий мақсад — Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жорий йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" ҳақидаги маъ-

рузасида айтиб ўтилган фуқаролик институти шакллантириш ва ривожлантириш масалалари сифатида маҳалла фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан фикр алмашишдан иборат эди.

Анжуманда сўзга чиққанлар Ўзбекистонда кенг қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа ҳаёлатлардаги ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда, изчил амалга оширилаётганини, мамлакатимизда демократик ислохотларни амалга ошириш жараёнида маҳалла институти фаолиятининг ҳуқуқий асослари босқичма-босқич ислох этилаётганини, унинг ваколатлари Конституция ва қонун ҳужжатлари билан мустақамланган бўлса-да, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини давр талаби асосида янада такомиллаштириш, вазибалари қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро муносабатларини таъминлаш ишларини янада такомиллаштириш лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

Тадбир сўнггида маърузачилар билан анжуман иштирокчилари ўртасида қизиқarli савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Уз мухбиримиз

10 декабрь — Ўзбекистон Давлат мадҳияси қабул қилинган кун

Муаззам қўшиқ

Байроқ ва герб билан бир қаторда мадҳия ҳам давлат рамзларидан саналади. Мамлакатимиз ўз олдига улкан мақсадлар қўгани мустақилликнинг илк кунларидаёқ қабул қилинган давлат рамзлари ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Зокир ЖУМАНИЁЗОВ,
Қарши ҳарбий прокурори

римиз, шону шавкатимиз, истиқлолимиз, орзу-истакларимиз тараннуми сифатида қалбимизнинг энг тўридан мустаҳкам жой эгаллаган. Унда халқ, Ватан шаъни улуғлаиб, қуйидаги ёрқин сатрларда мадҳ этилган:

Серкўёш, хур ўлкам,
элга бахт наҳот,
Сен ўзинг дўстларга
йўлдош, меҳрибон.
Яшнагай то абад
илму фан, ижод,
Шухратинг порласин
токи бор жаҳон...

Мана 18 йилдирки, шу сўзлар билан бошланувчи Давлат мадҳиясининг жарангдор мисралари қалбимизга жой бўлган, унинг садолари остида ҳар бир нурафшон тонгни яхши ниятлар билан қарши оламиз. Бу ўтли ва жарангдор мисралар бугунги кунда халқимизнинг гурури, ор-номуси, фахри сифатида ҳамма ерда қалбларни тўлқинлантирувчи оҳангда баралла қўйилиб келинмоқда. Бу қўшиқни бугун, ҳатто бочкаларнинг тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари, Ватанимизда қамол топаётган барча ёшлар жушқин овоз билан қўйламоқдалар.

Мадҳиямиз халқимиз иродаси, онаюрт қудратини ифода этиб, байрамларда, тантанали йиғилишлар вақтида, Президентимиз турли давлатларга расмий ташриф буюрганида, нуфузли халқаро ташкилотлар минбарига қўтарилганида, мамлакатимизга келган олий мартабали меҳмонларни қутиб олиш чоғида, жамият ҳамда муҳим давлат аҳамиятига молик воқеаларни нишонлаш юзасидан ўтказилаётган маросимларда, халқаро спорт мусобақаларида голибларни тақдирлаш чоғида мадҳиямиз садолари янграб, қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирди. Аждодларимиз шон-шухрати ва авлодларимизнинг ёруғ келажагини шарафловчи бу муаззам қўшиқ асрлар оша баралла янграб турсин.

ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Сурхондарё вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига ДМҚ Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан мерос қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш мақсадида Сурхондарё вилояти Ангор тумани маркази ҳудудидан қишлоқ ҳаёлатида фойдаланилмайдиган ер майдонидан уй-жой қуриш учун ажратилган, сатҳи 600 кв.метр бўлган жами 7 та, 1, 2, 3, 4, 5, 6 ва 7-ер майдонлари қўйилмоқда. Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси - 120 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 10 январь кунини соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Юқоридаги ер майдони 2011 йил 10 январьдаги аукцион савдосига сотилмаган тақдирда, сотилмаган ер майдонини сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2011 йил 24 январь кунлари сотилгунга қадар бўлиб ўтиши олдиндан маълум қилинамиз.

Аукцион савдоси Сурхондарё вилояти

Денов туман ҳокимлиги биносида бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдосига уч кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашши учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закат келишувига асосан ер майдони бошланғич баҳосининг 15 фоиздан

кам бўлмаган миқдорда закат пулини РКМБ Сурхондарё филиалининг МФО 00336, СИТР 200933850, АТБ "Савдогар-банк" Музработ филиалининг Термиз шаҳар минибанкидаги 2021000600571452115 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Манзил: Сурхондарё в. Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси, 7. Таъбиркорлар маркази биноси. Тел: 8 (376) 227-97-94, www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Хоразм вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига такроран ДМҚ Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун, Янгиарик тумани "Чикирич" қишлоғи "Тузлок" аҳоли пункти ҳудудига жойлашган юзаси 600 кв.метр бўлган (шундан 400м² акка тартибда уй-жой қуриш учун ва 200 м² деҳқон ҳўжалиги юртиш учун) №50 ер майдони қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 200 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йилнинг 6 январь кунини соат

11:00да Урганч шаҳри Й.Бобононов кўчаси, 23-уйда ўтказилади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги ер майдони 2011 йилнинг 6 январьдаги очик аукцион савдосига сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2011 йил 13 январь кунини бўлиб ўтишини олдиндан маълум қилинамиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига уч кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашши

учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 100 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини, РКМБ ЁАЖ Хоразм вилоят филиалининг МФО: 00580, ИНН: 200933850, АТБ "Ипотека" банки "Тинчлик" филиалидаги 2021000700571452056 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Манзил: Хоразм вилояти Урганч шаҳри Й.Бобононов кўчаси, 23-уй. Тел: 8(362)226-43-64, www.rkmb.uz. Лицензия: DB 001 №000004.

"Poytaxt Aukcion" ДУК томонидан берилган газетамизнинг 2010 йил 25 ноябраги 47-сонидан чоп этилган "Ўзбектўқимамаш" ИЧБнинг бино ва иншоотлари бўйича ўтказиладиган танлов савдолари ҳақидаги эълонда объект тўғрисидаги маълумот қуйидагича тахрирда ўқисин: Фойдаланиш ҳуқуқи берилган ер участкасининг умумий майдони - 56 677 кв.м, бино ва иншоотлар умумий майдони - 37 446 кв.м.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV, Muxtor ZOIROV,
Gulnoza RAHIMOVA, Yusupboy GOIPOV,
Svetlana ORTQOVA,
Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
233-10-53.

Faks: 233-64-85, 233-10-53.

E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida
2009-yil 12-oktabrda O188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Tahririyatga kelgan qo'yilmalar taqdir qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farganishi mumkin.
«HUQUQ» materiallari n o' chib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
— tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi — 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma j-561. 19 913 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Sahifalovchi: S.BOBONOV
Navbatchi muharrir: B.NAZAROV
Navbatchi: O'DEHOV

Gazeta haftaning
payshanba kunlari
chiqadi.

Sotuvda
kelishilgan narxda

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9